O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2010-yil 29-sentabr, chorshanba ● № 40-41 (690) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● e-mail: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

МЕНИНГ БИРИНЧИ ЎҚИТУВЧИМ...

Ўзим шу касбнинг нонини еган инсон сифатида айтишим мумкинки, ўқитувчилик машаққатли касб. Қанчалик баландпарвоз туюлмасин шарафли ҳамдир. Ўқитувчи маърифат тарқатиш билан элга, Ватанга хизмат қилади.

⇨ 2-бет

САРМИШСОЙ СЕҲРИ

Бирдан қуёш кўтарилиб, нур соча бошлади ва нурлар бу вақтгача соя да бўлган қояни ёритиб юборди. Қоянинг вертикал текис юзасида бирорта петроглиф, ғадир-будирлик, ўнқир-чўнқир чизиқчалар йўқ эди...

⇨ 6-бет

ОЛМАГА ҲАМ РАШК ҚИЛДИМ

Ношукурлик бўлмасин-у, бозорларимиз пештахталарини тобора эгаллаётган эрони, хитойи олмаларни, турли мева-чеваларни кўриб, "рашким" қўзиди. Ўзимизнинг боғ-роғларда бол йиққан сархил меваларимиз, таъми тилда қоладиган олма-ю, узумларимизнинг улардан қаери кам?

⇨ 7-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

■ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев 27 сентябрь куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.**

Кўксарой қароргоҳида Президентлар яккама-якка суҳбати чоғида ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари юзасидан фикр алмашдилар.

Музокаралар давомида томонларнинг ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш учун катта салоҳиятга эга эканлиги таъкидланди.

Икки томонлама ҳамкорлик янада ривожланиб бораётганидан далолат берувчи қатор ҳужжатлар имзоланди.

■ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан йўловчилар ташиш транспортидан самарали фойдаланиш мавзусига оид давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда парламент қуйи палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, транспорт соҳасида хизмат кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

■ **Пойтахтимизда Германия Федератив Республикасининг Халқаро ҳамкорлик бўйича омонат кассалари жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси давлат-тижорат Халқ банки ўртасидаги халқаро ҳамкорлик лойиҳаси якунларига бағишланган мажлис бўлиб ўтди.**

■ 1 ОКТЯБРЬ — ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

КАСБЛАР ИЧРА ЭНГ УЛУҒИ

Мамлакатимиз истиқлолининг дастлабки йиллариданоқ ёш авлод тарбиясига, хусусан, таълим тизимига катта эътибор қаратилиб, бу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ана шу масъулият юки, яъни эртамиз эгалари бўлмиш мурғак ўқувчиларни баркамол вояга етказиш, қолаверса, олий таълим даргоҳларида маърифат зиёсидан баҳраманд этиб, жаҳоннинг исталган давлатида яшовчи тенгдошлари билан рақобатга киришиш оладиган даражада тарбиялашдек залворли вазифа, албатта, устоз ва мураббийларнинг зиммасига тушади. Шу маънода бу касб эгаларини чинакам жасорат ва фидойилик тимсоли дейишга ҳақлимиз.

Мана, ўн тўрт йилдирки, юртимизда 1 — октябрь куни муаллим деб аталмиш қутлуғ мартаба соҳибларининг касб байрамлари умумхалқ тантанаси сифатида нишонланмоқда. Гарчи устоз-мураббийларимизга бўлган чексиз меҳрни ҳамиша қалб тўримизда асрасак-да, айни шу куни ўзгача қувонч билан уларни қутламоққа ошиқамиз. Зотан, биргина ҳарфни танитган бўлса ҳам устозларни улуғлаш улуғ бобокалонимиз ҳазрат Алишер Навоийдан бизга меросдир.

(Давоми 2-бетда.)

ПУХТА ЎЙЛАНГАН ҚАТЪИЙ ВА ИЗЧИЛ СИЁСАТ САМАРАСИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисидаги нутқини ўқиб

Агар сўнгги уч йил мобайнида жаҳон оммавий ахборот воситаларида энг кўп қўлланилган сўзлар тартиби тузиб чиқилса, ҳеч шубҳасиз, ИНҚИРОЗ сўзи биринчи ўринда қайд этилган бўлар эди. Бунинг сабаблари ҳақида ортиқча тўхталиб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак.

"Инқироз" сўзи айрим тилларда таназзул, ниҳоя, яъни муайян ҳодиса-воқеанинг якунланиб бораётганинигина эмас, шу билан бирга, жараёнларнинг тезлашиши маъносини ҳам англатар экан. Хусусан, хитой тилида "инқироз" сўзи иккита иероглиф билан ифодаланиб, бири "хавф"ни, иккинчиси "имконият"ни билдиради.

ИНҚИРОЗ калимасини илгари фақат дарсликларда ўқиган ёки ойнаи жаҳон хабарларида эшитган бўлсак, уч йилдирки, уни ҳар куни бир неча бор эшитишга, матбуот нашрларида ўқишимизга тўғри келмоқда. Чунки оммавий ахборот воситаларининг бугунги кундаги асосий мавзуларидан бирига айланган бу жараён ҳеч кимни бефарқ қолдирмаяпти.

Айни пайтда, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози натижасида озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб кескин ортиши, оқибатда тармоқда тангликка келиб чиқиши мумкинлиги борасидаги баёнотлар сайёрамизнинг турли ҳудудларида ҳар хил хавотирларга сабаб бўлмоқда. Дунё бозорида дон маҳсулотлари тақчиллиги юзага келиши мумкинлиги тўғрисидаги мишмишлар эса айрим мамлакатларда озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг ошишига олиб келмоқда. Оммавий ахборот воситаларида эълон қилинаётган хабарлар оқимини кузатиб айтиш мумкинки, озиқ-овқат, айниқса, буғдой ва гуруч нархларининг муттасил ўсиши жаҳондаги аксарият давлатлар учун жиддий муаммога айланиб бормоқда.

Шунингдек, табиат инжиқликлари — сайёрамиз бўйлаб рўй бераётган экологик офатлар, айниқса, глобал иқлим исиши минглаб гектардаги майдонларни яроқсиз ҳолга келтириб қўйгани ёки мисли кўрилмаган сув тошқинлари бутун Ер юзидаги ижтимоий вазиятга ҳам ўз салбий таъсирини ўтказаётгани айни ҳақиқат. Хусусан, Жаҳон озиқ-овқат дастурининг маълумотларида бугунги кунда дунё бўйича 73 миллион киши озиқ-овқатга муҳтожлик сезаётгани қайд этилса, БМТ маълумотларида 1 миллиарддан ортиқ аҳоли оч-наҳор кун кечираётгани таъкидланади. Бу эса дунё аҳолисининг ҳар еттидан биттаси очлик балосидан азият чекмоқда, дегани. Инсон тафаккури чексиз коинотни тадқиқ этаётган бугунгидай юксак тараққиёт замонида ҳам ҳар куни очликдан 35 минг киши вафот этаётгани ва уларнинг асосий қисми болалар экани, айниқса, ачинарлидир.

Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) ва Халқаро меҳнат ташкилоти ҳамкорликда тайёрлаган маърузада баён қилинишича, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туфайли дунёда ишсизлик даражаси 210 миллионга етди. Афсусланарлиси, бу жараён борган сари жиддий тус олмоқда.

(Давоми 3-бетда.)

■ ҚАДРИЯТ

Пиру комил ўстозлар

Ўзининг бетакрор асарлари билан жаҳон тасвирий санъати тарихида чуқур из қолдирган, Шарқ Ренессанс (Уйғониш) даврининг улуғ вакилларидан бири Камолиддин Беҳзод 1455 йили Ҳиротда, ҳунарманд — косиб оиласида дунёга келган.

Манбаларда ёзилишича, унинг номи Беҳзод бўлиб, Ҳирот аҳли уни суйиб ҳамда эркалаб Камолиддин деб чақиришган экан. Алишер Навоий уни ўз мактубларидан бирида эъзозлаб "устод Беҳзод" деб атайди.

Беҳзод ота-онасидан жуда эрта ажралади. Тарихий маълумотларга кўра, Беҳзодни болалигидаёқ Ҳиротнинг машҳур мусаввири Мирак Наққош (Амир Руҳилло) ўз тарбиясига олган. Мирак Наққош "Машҳур қирқ санъаткор" анжуманига раҳбарлик қилиб, "Нигористон", ҳозирги тушунчалар билан айтганда, "Санъат академияси" ишларини йўлга қўйган эди. Ёш Камолиддин эса ана шу академияда моҳир мусаввирдан нақкошлик ва миниатюра санъатини қунт билан ўрганди. Мирак Наққошнинг уйидаги билан нигористонидаги ижодий муҳит, гўзаллик ва нафосат олами ёш Беҳзодни ҳам санъат ва ҳунарга бўлган ҳавасини катта муҳаббатга айлантирди, келажак ҳаёти учун ижобий мактаб вазифасини ўтади. Шунингдек, Беҳзод мусаввирликнинг энг нозик сир-асрорларини билиш мақсадида ўз даврининг машҳур рассоми Пир Саид Аҳмад Табризийдан ҳам таълим олди.

Ўз ижодида ранг-тасвир устаси Халил Мирзо Шоҳрухий бадиий услубини давом эттирган, уни ривожлантириб, янги пағонага етказган ёш мусаввир истеъдоди жуда тез суръатда шаклланди. XV аср Ҳирот адабий муҳитида шуҳрат қозонган кўпгина адабиёт ва санъат намояндалари қатори Беҳзоднинг ҳам бундай ижодий камолотга эришувида буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг мураббийлик фаолияти ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

12»

■ БОЛАЛАР НАШРИГА БИР НАЗАР

БЕҒУБОР МАТБУОТ

ОДДИЙ ҲАҚИҚАТ ЁКИ ЭЪТИРОФ

Бугунги болаларни нима билан ҳайратлантириш мумкин? Бу саволга дарров жавоб тополмаймиз. Чунки кечагина биз учун мўъжиза бўлган телевизор, радио, бугун эса бутун жаҳон алоқа тармоғи ҳисобланган интернет, мобиль телефони ҳам аллақачон оммалашиб бўлди. Уларнинг вазифаси, фойдаси-ю, зарарли жиҳатлари ҳақида катталар қатори ёшлар ҳам маълумотга эга. Китоб ўқиш, хат ёзиш, тил ўрганиш сингари одатлар болаларнинг кундалик турмуш тарзидан ўрин олган. Баъзан ўзлари хоҳлаб, баъзан атрофдагиларнинг таъсири, тазйиқи остида бу амаллар билан машғул бўлишади. Аммо бундан мақсад нима, муддао-чи?

Чиндан ҳам болалар учун нима қизиқарли? Балки футбол, интернетда "Counter Strike" ўйнаш, велосипедда учиш ёхуд узу-кун телевизор томоша қилиш қизикрокдир? Бу ҳам вақтинчалик чалғитишлар, маълум муддатдан кейин улар ҳам кўнгилларига тегади. Болалар ҳаётини кузатиш асносида, қолаверса, ўзим ҳам бу беғубор дамларни бошдан кечирган КАТТА БОЛА сифатида шунга иқрор бўлдимки, болалар учун улар дунёсининг ўзи қизиқ. Зеро, болаликнинг ўзи мўъжизаларга, ҳайратларга тўла. Фақат уни илғаш, ҳис этиш зарур. Қандай қилиб, дейсизми? Бу жуда оддий...

4 »

ОБУНА — 2011

Қадрли юртдошлар!

"Hurriyat" газетасининг азиз муштарийлари!

"HURRIYAT" — маънавиятимизни янада бойитишда, ижтимоий фаоллигимизни оширишда, жамиятни демократлаштириш, халқимизнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш йўлида замондошларимиз ҳамжиҳатлик билан бажараётган хайрли ишларнинг фаол тарғиботчиси, мамлакатимиз ҳуррриятининг сарҳил мевасидир!

Хабарингиз бор, 2011 йил учун обуна давом этмоқда. Албатта, келгуси йил ҳам "HURRIYAT"ни мунтазам ўқиб боришингизга, биз билан ҳамфикр, ҳаммаслак бўлишингизга ишонамиз!

УНУТМАНГ, "HURRIYAT" СИЗНИНГ ДОИМИЙ МИНБАРИНГИЗ!

Эслатиб ўтамиз: "HURRIYAT"нинг нашр индекси — 233

КАСБЛАР ИЧРА ЭНГ УЛУҒИ

(Бошланиши 1-бетда.)

Шу кунларда бутун диёримиз бўйлаб ҳар бир таълим даргоҳида байрам шукуҳи кезмоқда. Жумладан, пойтахтимизнинг Чилонзор туманида жойлашган 138-мактаб ўқитувчи-ю, ўқувчилари ҳам устоз ва мураббийлар айёмини ўзгача руҳ билан нишонлаш тараддудида. Шу таълим масканида ўттиз йилдан буён бошланғич синф ўқувчиларига сабоқ бериб келаётган Халқ маорифи аълочиси, олий тоифали ўқитувчи Заҳро Иминова биз билан суҳбат жараёнида бугунги ёшларнинг илмга чанқоқлиги, уларнинг дунёқарши кенглиги, ўз шогирдларидан умидлари ниҳоятда катта экани ҳақида тўлқинланиб гапирди.

— Қалбларига дунёнинг бор ҳайратини жо қилган шу мурғаккина болаларнинг кўзларига боқиб, эртамизнинг муносиб эгалари мана шулар эканини юрак-юрагимдан ҳис қиламан. Бугун биринчи синфга қабул қилинган ўқувчининг ҳар бир воқеа-ҳодисага нисбатан мустақил фикри, теран тафаккури бор. Бундан 20-30 йиллар аввалги ўқувчилар билан улар орасида улкан фарқни сезаман. Ҳозирги болалар ҳали мактаб остонасига қадам қўймасиданоқ компьютерда ишлашни билади, қайсидир хорижий тилни ўрганишга, аллақачон киришган. Менинг шогирдларим орасида ҳам ана шундай замон билан ҳамнафас бўлиб улғаётган ўқувчилар кўплигидан фахрланаман, — дейди Заҳро опа.

Ҳа, боғбон ўз ниҳоллари билан, қаламкаш ёзган ижод маҳсуллари билан, ота-она фарзандлари билан, устоз эса зеҳни ўткир шогирдлари билан фахрланади. Заҳро опанинг фахрланишига яна бир асос бор: унинг айрим шогирдлари бугун устоз бўлди. Унинг қанотига кириб, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашда баҳоли қудрат хизмат қилишмоқда.

— Мактабга илк бора қадам қўйиб, устозим Заҳро Иминованинг меҳридарёлиги ва ўз ўрнида қаттиққўллигидан ибрат олиб, ўз ҳаёт йўлимни танлаганман. Яъни болалигимданоқ худди устозимга ўхшаб ўқитувчи бўлишни, болаларга таълим ва тарбия беришни орзу қилардим. Шукурки, ниятимга етдим, — дея гап бошлади Заҳро опанинг издошларидан бири, шу мактабнинг бошланғич синф

ўқитувчиси Дилфуза Ваҳобова. — Эндиликда эса ўз устозларимга муносиб шогирд бўлиш, ўқувчилар тарбиясига сидқидилдан ёндошиб, масъулият билан фаолият юритишга ҳаракат қилаяпман.

Устознинг яна бир шогирди, айни пайтда болаларга мусиқа фанидан сабоқ бериб келаётган Гулнора Абдураҳмонова ҳам суҳбатга қўшилди:

— Чиндан ҳам болалигида ўз ўқитувчиларига ўхшашни орзу қилмайдиган ўқувчи кам топилади. Мен ҳам ҳар куни мактабдан қайтгач, қўғирчоқларимни қаторлаштириб қўярдим-да, худди Заҳро опага ўхшаб уларга ўзимча ҳарфларни ёзишни, ўқишни ўргатардим. Болаликда астойдил қилинган ният ижобат бўларкан. Мана, бугун ўз устозларим сафида мен ҳам устоз бўлдим ва бу касбнинг нақадар мушкуллиги ва ўз навбатида шарафлилигини ҳис қилаяпман, — дейди у.

Дарҳақиқат, устоз деган номнинг ўзи улуғ унвон. Тажрибали педагог З. Иминова буни яхши билади ва бугунги мурғак гўдакларнинг эртаси улар олаётган сабоқнинг сифатига боғлиқ эканини теран мушоҳада қилади.

— Биласизми, мен бир фикрга ўз фаолиятим давомида қатъий риоя қиламан. Яъни, бугун ўттиз беш нафар ўқувчига таълим берсам, демакки, ўттиз бешта хонадонда бугунги меҳнатим муҳокама қилинади. Чунки аксарият онаоналар (ўз фарзандининг билим олишига бефарқ бўлмаганлари, албатта) болаларидан мактабда нимани ўрганишганини сўрашади ва ўқувчимиз олган ёки ололмаган билимлари ҳақида сўзлаб беради. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, ўқитувчининг меҳнати ҳар куни турли ўлчовларда баҳоланиб борилаверади. Бу баҳолар йиғилавериб, ўша устознинг халқ томонидан эътироф этилиши, ҳурматга сазовор бўлиши ёки назардан қолишига сабаб бўлади, — дейди Заҳро опа.

Чиндан ҳам, маърифатпарвар аждодларимиздан бири Абдурауф Фитрат "Ҳаёт йўлида биринчи масала — мактаб масаласидир" деганида нақадар ҳақ эди. Таълим масканларида ёш авлод илм-маърифат зиёсидан баҳраманд этилиши билан бирга отабоболаримиздан бизга мерос бўлиб қолган бебаҳо бойлик — тарбия ва одобахлоқ қоидалари ҳам ўргатилади.

— Кўча-кўйда, тўй-ҳашамларда мен танимаган кишиларнинг устоз деб салом беришлари, ўзгача ҳурмат қилишлари кўнглимни тоғдек кўтаради. Шогирдларимнинг нуфузли жойларда фаолият юритишаётгани, эл ардоғига сазовор бўлишганини эшитсам, қалбим ғурурга тўлади. Демак, қилган меҳнатларим, чеккан заҳматларим беиз кетмабди дея тўлқинланиб кетаман. Халқ корига ярайдиган инсонларни тарбиялабманми, демакки, шу улуғ касбни танлаб янглишмаган эканман, — дейди З. Иминова.

Сирасини айтганда, Заҳро опани ўз касбининг донишманди дейиш мумкин. Чунки унинг айрим ўқувчилари устозлик рутбасига эришиб, ўз ёнида меҳнат қилаётган бўлса, яна бир қанча шогирдлари худди у каби муаллим бўлишни орзу қилишмоқда. Чунончи, устоз-шогирдлик анъанасининг давомийлиги таъминланаётир. Опанинг синфхонасига кириб, мурғаккина болакайлардан "Ким келажакда ўқитувчи бўлмоқчи?" деб сўрасангиз, бирваракайига ўн-ўн беш нафар ўғил-қизлар қўлчаларини кўтаришади. Бу эса устозига ҳавасманд ёшларнинг бисёрлигидан далолатдир.

Ҳа, юртимизда Заҳро опа каби ўз касбини жондан севувчи, келажак авлод тарбиясини улкан бурч деб билувчи фидойи, заҳматкаш устоз-мураббийлар жуда кўп. Уларнинг меҳнатлари ҳар қанча улуғланишга, эъзозланишга арзийди.

КЎРГАЗМА ИШ БОШЛАДИ

Тошкент Фото уйида франциялик таниқли суратқаш Поль Надарнинг "Туркиядан Туркистонгача, 1890" номли кўргазмаси очилди. Виктор Гюго номидаги француз маданият маркази, Ўзбекистон маданияти ва санъати жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан ташкил этилган ушбу кўргазмада суратқашнинг 1890 йили Кавказ ва Марказий Осиё бўйлаб қилган сафари чоғидаги репортаж суратлари экспозицияга қўйилган. Мазкур фотоларнинг Франция маданият вазирлиги фотоархивларида сақланиб қолган фотонегативларга замонавий технологиялар асосида ишлов берилган.

Азим РЎЗИЕВ,
"Hurriyat" мухбири

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги воятга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси, Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан пойтахтимиздаги Бобур номли маданият ва истироҳат боғида "Ёшларни иш билан таъминлаш меҳнат ярмаркаси" ўтказилди.

Ўзига хос байрам руҳида ўтган мазкур тадбирда пойтахтда жойлашган йирик саноат корхоналари 200 дан ортиқ микрофирмалар ва кичик корхоналар бўш иш ўринлари юзасидан ўз таклифлари билан қатнашди.

Банд бўлмаган ёшлар ушбу тадбирида касбий малакаларига оид ишга жалб этилди. Меҳнат ярмаркасида пойтахт олий ўқув юртларининг битирувчилари, ҳарбий муддатли хизматни ўтаб қайтган ёшлар ва меҳнатга лаёқатли бўлган катта ёшлаги фуқаролар ҳам тадбирда фаоя иштирок этди.

Ислом СУЛТОНОВ,
"Hurriyat" мухбири

ТАДБИРКОРНИНГ ТАДБИРЛИ ИШЛАРИ

Яқинда Хоразм вилоятининг Ҳазорасп туманидаги "Жалолиддин Шариф" хусусий корхонаси Хитой Халқ Республикасидан 220 минг АҚШ доллари миқдоридаги сармояга бир неча транспорт воситаларини сотиб олди. Улардан иккитаси оғир юкларни ташишга мўлжалланган автомашиналар бўлиб, ғалла йиғиш мавсумида фермерларга қўл келди. Яна биридан пропан газини ташишда фойдаланилади.

Корхона яқин вақт ичида автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчасини бунёд этишни режалаштираяпти. Юқорида тилга олинган автомашина пропан газини ёнилғи қуйиш шохобчасига ташиб келтиришда қўл келади. Яқин вақт ичида турли-туман қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олис ҳудудларга ташишга мўлжалланган рефрижераторли автомашиналарни сотиб олиш мўлжалланаяпти. Бу эса боғ ва полизларимизда пишиб етилган ноз-неъматларни истеъмолчиларга етказиб беришда маҳсулот сифатининг бузилмаслигини таъминлайди. Аҳоли корхона тасарруфидаги 30 хўрандага мўлжалланган ошхона хизматидан ҳам мамнун.

Тўлалбой РАҲИМБОЕВ,
"Hurriyat" мухбири

ШАРҚ ВА ГЕНДЕЛ

Самарқанд вилоят Ҳамид Олимжон номидаги мусиқа ва драма театрида Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси, Ўзбекистон маданияти ва санъати жамғармаси ҳамда Ўзбекистон давлат камер оркестри ва германиялик яккахон хонандалар иштирокида хайрия концерти ўтказилди.

Концертда Ўзбекистон камер оркестри ва германиялик яккахон хонандаларнинг тинчлик, дўстлик, севги ва садоқат тараннум этилган қўшиқлари барчани хушнуд этди. Анжуманга ташриф буюрган немис маданиятининг мусиқа, театр, шеърият, фото ва бадиий кўргазмалари жамоатчиликда катта таассурот уйғотди.

Убайдулла ХЎЖАНИЁЗОВ,
"Hurriyat" мухбири

БЕҒУБОР ТУЙҒУЛАР

МЕНИНГ БИРИНЧИ ЎҚИТУВЧИМ...

Устозлик — улуғ мартаба. Қайси соҳа, қайси касб эгаси бўлмасин барча бирдек уни эъзозлайди, меҳнат-у заҳматини, илму маърифатини ардоқлайди. Айниқса, Шарқ халқлари орасида у "Устоз отангдек улуғ" деб кўкларга кўтарилади.

Аслида мурғак гўдакларнинг қалбига йўл топиб, билим зиёси ила ёритган ўқитувчи меҳнатини ҳар қанча шарафласак кам. Қўлимизга қалам тутқазиб, ҳарфларни танитган, дунё илмларидан бохабар қилиб, катта ҳаёт остонасига кузатган инсон ҳар қандай ҳурматга лойиқ.

Қуйида эл назаридаги замондошларимизнинг мактаб биносига илк қадами, биринчи ўқитувчилари ҳақидаги беғубор хотиралар ҳавола этилмоқда.

Маҳмуд НОМОЗОВ,
Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти:



— Менинг болалик йилларим Сурхондарёнинг Узун туманига қарашли Файзабод қишлоғида ўтган. Шу ерда жойлашган 58-ўрта мактабда таҳсил олганман. Ўқитувчиларим, синфдош ва мактабдош дўстларим кечагидек ёдимда. Айниқса, биринчи ўқитувчим Неъмат ака Ортиқовни кўп эслаб тураман. Нега десангиз, ҳали ҳеч нарсани билмайдиган боланинг саводини чиқаришнинг ўзи бўлмайди. Ҳазрат Навоий таъбири билан айтадиган бўлсам, бизга ҳарф ўргатган бу каби устозларнинг сабоқларини мингта хазина билан ҳам адо эта олмаймиз. Неъмат ака болалар руҳий аҳволини теран ҳис қиладиган киши. Ҳар кимнинг имкониятидан ортиқ нарсани сўрамасдилар. Шундай бўлса-да, негадир биз ўқитувчимиз айтмаган дарсларни ҳам ўзлаштиришга ҳаракат қилардик. Энди билсам, устоз ўзимизга ишонч туйғусини дилимизда шакллантирган эканлар. Ўқитувчимизнинг беқиёс меҳрлари менинг ҳам қалбимда ўқитувчилик касбига муҳаббат пайдо этган дейишим мумкин. Айниқса, Неъмат ака Ортиқов ўн йил давомида бизнинг синф раҳбаримиз бўлганликлари учунми, фикрларим янада қатъийлашди.

Мактабни битиргач Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг мусиқа факултетига ўқишга кирдим. Ўқишни битирганимдан сўнг қишлоғимиздаги ўша 58-ўрта мактабда ўн икки йил давомида ўқувчиларга мусиқадан сабоқ бердим. Ўша пайтларда «Санъат ғунчалари» деб номланган республика кўрик-танлови бўлиб ўтарди. Менинг ўқувчиларим ўн бир йил давомида шу нуфузли танловнинг ғолиб ва совриндорлари бўлишган. Яна бир нарса, ўша вақтларда масъул кишилар кўп қатори менинг ҳам дарсларимни кузатишган. Нокамтарликка йўйманг-у, ўшанда кузатувчилар менга юқори баҳо беришган. Инсон нимани яхши кўрса, шу нарсага жон-жаҳди билан киришар экан. Турли хил дарс ўтиш услубларини қўллашимга ҳам ўқитувчилик касбини севишим сабаб бўлган, деб ҳисоблайман.

Ўзим шу касбнинг нонини еган инсон сифатида айтишим мумкинки, ўқитувчилик машаққатли касб. Қанчалик баландпарвоз туюлмасин шарафли ҳамдир. Ўқитувчи маърифат тарқатиш билан элга, Ватанга хизмат қилади. Халқимизнинг ардоқли шоирларидан бири айтганидек:

Муаллим ҳақида сўзим ушбудир,
Муаллим маърифат ичра кўзгудир.

Имкониятдан фойдаланиб барча устоз ва мураббийларимизни қутлуғ байрамлари билан чин дилдан муборакбод этиб қоламан.

Фарида УМАРОВА,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист:

— Илк маротаба мактаб остонасига қадам ташлаганимни алланечук ҳаяжон билан эслайман. Ўшанда ҳали етти ёшга тўлмагандим. Шундай бўлса-да, "Мактабга бораман" деб хархаша қилаверганимдан сўнг амакимнинг қизи қўлимдан етаклаб синфхонага олиб кирган. Аммо жуссам жуда кичкина бўлгани учун мактаб партасида ўтирганимда оёғим ердан узилиб қолар, бошим кўринар-кўринмас ҳолатда эди. Охири ўқитувчимиз Лола опа Тошбоева(жойлари жаннатда бўлсин!) ҳали кичкина эканимни, кейинги йил ўқишга келсам қабул қилишларини айтдилар. Аммо мен "Ўқийман" деб туриб олдим. Устозим ундай бўлса, ўқув тахтасига бирдан ўнгача бўлган саноқ сонларини ёзиб беришимни сўради. Мен уларни ёзишни билишимни айтиб, қўлимга бўрни олиб, ҳарчанд уринмай, ўқув тахтасига бўйим етмади. Бутун синф бўйлаб кулги кўтарилди. Мени дарсхонадан чиқариб юборишгач, опамнинг синфига кириб, унинг ёнида ўтирдим. Мактаб директори ўжарлигим, ўқишга жуда иштиёқмандлигимни кўриб, биринчи синфга қабул қилинишимга рухсат берган.

Ҳа, ҳамма ҳам ўқувчилик йилларини, айниқса биринчи ўқитувчисини юраги тўлқинланиб эслайди. Мурғак қалбимизга илм нурларини жо қилган, ҳаётнинг паст-баланд сўқмоқларини кўрсатишга ҳаракат қилган устозларни унутиб бўладими?! Йўқ, аксинча, йиллар ўтгани сайин уларнинг қадрига янада чуқурроқ, янада кўпроқ ета бошлаймиз.

Мен ҳам кўплаб болакайлар қатори ёшлигимда ўқитувчи бўлишни, худди Лола опам сингари жажжи ўғил-қизларга меҳрибон устоз бўлишни орзу қилардим. Бу қалби дарё, фидойи муаллимларимизга нисбатан чексиз ҳурматимиз ифодаси эди. Аммо йиллар ўтиб, санъаткор бўлишни мақсад қилдим ва ўз ниятимга етдим. Лекин ўша болалигимда қилган орзуим қалбимнинг тўридан жой эгаллагани учунми, барибир болалардан йироқлашиб кетолмадим. Ҳали талабалик йилларимданоқ Республика ёш томошабинлар театрида ўз фаолиятимни бошлаб, ҳанузгача ўз ролларим орқали болажонларимизнинг кўнглига эзгулик уруғини сепишга ҳаракат қиламан. Айтмоқчи бўлганим, гарчи ўқитувчи бўлмасам-да, худди улар сингари ёш авлоднинг маънавий етук бўлиб ўсиши йўлида хизмат қилаётганимдан бахтиёрман.

Мен берилган фурсатдан фойдаланиб, барча устозларимизни, соҳага эндигина қадам қўйган ёш муаллимларни ҳам касб байрамлари билан муборакбод этаман. Илоҳим, машаққатли ва шарафли меҳнатингизнинг самарасини кўриш барчангизга насиб этсин!

Миржалол ҚОСИМОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устаси,
"Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвони соҳиби:

— Ҳар бир инсоннинг келажагини белгилаб олишида ўқитувчилар ва мураббийларнинг ўрни катта. Уларнинг беминнат меҳнатлари эвазига кўпчилигимиз ҳаётда ўз йўлимизни танлаб оламиз. Устозларимизнинг берган ўгитлари, қилган меҳнатлари туфайлигина бугун биз элга, юртга хизмат қилиш бахтига эришиб турибмиз. Бизнинг мувафқиятларимиз эса барча устоз ва мураббийларимиз учун ҳам катта бахт.

Мен Тошкент шаҳридаги 157-мактабда биринчи синфга қабул қилинганман. Ўша маҳал мактабга Каромат опа Ҳошимова директор эдилар (охирати обод бўлсин!). Бизга Маҳбуба опамиз бошланғич таълимни берганлар. Улар жуда ажойиб ўқитувчи эдилар. Ҳар бир ўқувчига ўз фарзандидек муносабатда бўлардилар. Ўқиб-ўрганишимизга бор имкониятларини ишга солиб, қўлларидан келганча ҳаракат қилардилар.

Ўқитувчилар юзлаб болаларга пухта таълим-тарбия беришга қодир. Шунинг учун ҳам улар доимо ҳурматда ва иззатда. Меҳнатлари эса ҳамма нарсадан қадрлироқ.

Ҳаётимнинг ҳар бир саҳифасидаги битиклар спорт, хусусан, футбол билан боғлиқ. Бу соҳада ҳам жуда кўплаб мураббийлардан сабоқ олдим. Улардан зарур билим ва кўникмаларни ўргандим. Кундан-кунга маҳоратимни ошириб боришга ҳаракат қилдим. Мураббийим ва менинг меҳнатим зое кетмади. 1987 йилда ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони деган номга сазовор бўлдим. Шундан кейин Европа чемпионатида қатнашиб, унда ҳам ғолиб бўлдим.

Фаолиятим давомидаги энг яхши мураббийлардан бири (жойлари жаннатдан бўлсин!) Мақсуд Шариповдир. У киши мени илк бор Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси сафига таклиф этган. Раҳматли Мақсуд ака меҳнаткаш ва меҳрибон инсон эди. У киши истеъдодли ёшларни доим қўллаб-қувватларди. Уларга ўзларини намоён этиши учун имконият яратиб берарди. Ҳар бир футболчи билан алоҳида-алоҳида шуғулланиб, уларни турли даражадаги учрашувларга тайёрларди. Шунинг учун у кишидан доим миннатдор бўлиб келганман.

Бундан ташқари бошқа бир қатор европалик мураббийлар қўл остида фаолият олиб бордим. Уларнинг барчасидан нималарнидир ўргандим. Тушунарли қилиб айтадиган бўлсам, етук футболчи бўлишимда барча устозларимнинг бирдек ҳиссаси ва меҳнати бор. Уларнинг берган билимлари бугун ҳам менга катта ёрдам бермоқда.

Яна бир неча кундан кейин "Ўқитувчилар ва мураббийлар" кунини мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонлаймиз. Имкониятдан фойдаланиб, барча устозларга соғлик-саломатлик тилайман. Чунки спортда инсон учун биринчи навбатда соғлиқ керак. Агар у бўлса, инсон барча кўзлаган ишларига эришиши мумкин. Азиз устозлар, байрамингиз муборак бўлсин! Ишларингизга ривож ва омад тилайман!

Саҳифани Ситора ТОЖИДДИНОВА тайёрлади.

ПУХТА ЎЙЛАНГАН ҚАТЪИЙ ВА ИЗЧИЛ СИЁСАТ САМАРАСИ

(Бошланиши 1-бетда.)

— Жаҳон меҳнат бозоридаги бугунги вазият ғоят мураккаб бўлиб, мавжуд аҳволни ўнглаш учун энг аввало халқаро ҳамжамият бюджет сиёсатини янада кучайтириши, ишсизликка қарши биргаликда қатъият билан кураш олиб бориши лозим, — дейди ХВЖ раҳбари Доминик Стросс Кан.

ХВЖ ва Меҳнат ташкилотининг хулосасига кўра, яқин ўн йил мобайнида меҳнат бозори иштирокчилари учун 440 миллиондан ортиқ янги иш ўрни талаб этилади. Акс ҳолда, ижтимоий-иқтисодий муаммолар кўлами янада чуқурлашиб, унинг оқибатлари аянчли тус олиши мумкин. Шундоқ ҳам Ғарбий ярим шарда иш жойини йўқотган фуқаролар орасида ўз жонига қасд қилиш ҳоллари кўпайиб бораётгани бунинг яққол далилидир.

Халқимизнинг "аввал иқтисод, кейин сиёсат" деган пурҳикмат гапини барчамиз яхши биламиз. Гарчи бу нақл аксар ҳолларда кўпроқ тановвул қилиш маъносини берса-да, мамлакат ёки бутун жаҳон миқёсида олинганда иқтисодиётнинг бевосита сиёсат манбаи эканини англатади. Шу маънода, мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий вазият, маънавий муҳит, фуқароларнинг дунёқараши ва ишонч-орзулари мавжуд иқтисодий ҳолат билан боғлиқ эканини ҳеч ким инкор этолмайди. Хусусан, мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, муайян мамлакатдаги ишсизлар сонининг 1 фоизга кўпайиши қамоқхоналардаги маҳбуслар сонининг шунчага, қотилликлар содир этилишининг 5,7 ва умумий жиноятчилик кўрсаткичининг 4,1 фоизга ошишига сабаб бўлар экан. Бинобарин, янги иш ўринлари яратилиши нафақат жиноятчиликнинг камайишига, айни пайтда жамият маънавий-ахлоқий муҳитининг соғломлашишига хизмат қилиши аён бўлади.

Бутун жаҳонни кескин силкинишларга мажбур қилган ана шундай мураккаб бир вазиятда Ўзбекистонда давлат сиёсатининг асосий негизи бўлган аҳолининг турмуш даражаси, ҳаёт фаровонлиги муттасил юксалиб бораётгани, қурилиш, яратиш, бунёдкорлик ишлари жадал ривожланаётгани, қатор саноат корхоналари ишга туширилиб, юз минглаб янги иш ўринлари очилаётгани, янги йўллар, кўприклар, аҳоли турар-жой бинолари, замонавий таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, стадионлар, маданият ва спорт саройлари барпо этилаётгани шу юрт фарзанди сифатида қалбларимизни ғурур-ифтихорга тўлдиради.

Албатта, Ўзбекистоннинг мустақил суверен давлат сифатида дунё сиёсий харитасида пайдо бўлгандан буён босиб ўтган ўта мураккаб ва айни пайтда ғоят шарафли йўли, шу қисқа даврда эришган ютуқ ва марралари, ўзгаларнинг ҳавас ва ҳайратини тортиб, алоҳида эътирофига сазовор бўлаётган натижалари ҳақида узоқ гапириш мумкин. Буни оммавий ахборот воситаларини кузатиб бораётган ҳар қандай одам дунё миқёсидаги таниқли сиёсатчи ва иқтисодчилар, хорижлик мутахассис ва экспертлар билдираётган фикрлардан ҳам билиб олмоқда. Қолаверса, буни ҳар бир юртдошимиз ўз ҳаёти, оиласи, яқинлари мисолида, яшаётган маҳалласи, ўша ердаги замонавий таълим ва тиббиёт масканлари, маданият ва спорт иншоотлари, фарзандининг энг нуфузли хорижий олий ўқув юртларида таҳсил олаётгани, жаҳон чемпиони деган юксак шарафга сазовор бўлаётгани мисолида кўриб, ҳис этиб турибди. Айниқса, аҳолимизнинг ўртача умр кўриш даражаси сўнгги йигирма йил давомида 67 ёшдан 73 ёшга етгани мустақил Ўзбекистонда олиб борилаётган оқилона сиёсатнинг ҳаётдаги амалий ифодасидир, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Шуни алоҳида ғурур билан қайд этиш керакки, Президентимизнинг БМТ Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган Саммитида сўзлаган нутқи ва унда кўтарилган, давримизнинг энг долзарб муаммолари ҳамда уларнинг ечими юзасидан илгари сурилган таклиф ва ташаббуслар анжуман иштирокчилари ва дунё жамоатчилиги томонидан катта қизиқиш билан қабул қилинди. Хусусан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг жиддий таъсирларига қарамай, Ўзбекистон дунёдаги кам сонли давлатлар қаторида иқтисодиётнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаётгани ҳақидаги аниқ факт ва рақамларга асосланган фикрлар ҳеч бир давлат раҳбари ёки мутахассисни беэътибор қолдирмади. Буни "ойнаи жаҳон" орқали Саммит ишини кузатиб ўтирган барча бирдай илғаб олиши қийин эмасди.

Дарҳақиқат, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози авжига чиққан 2009 йилда ҳам Ўзбекистон дунёдаги саноқли давлатлар қаторида иқтисодий ва ижтимоий ўсишнинг юқори ва барқарор суръатларини сақлаб қолди. Чунончи, 2009 йилда аҳолининг реал даромадлари 26,5 фоизга кўпайиб, иш ҳақи, пенсия ва нафақаларнинг ўсиши ўртача ҳисобда 40 фоизни ташкил этгани ёки ялпи ички маҳсулот ўсиши 8,1 фоизни ташкил этиб, саноат ишлаб чиқаришида 9 фоиз, қишлоқ хўжалигида 5,7 фоиз ўсишга эришилгани фикримизга далил бўла олади. Шунингдек, ўтган йили юзага келган мураккаб иқлим шароитига қарамай, мамлакатимизда илк бор 7,3 миллион тоннадан ортиқ дон, шу жумладан, 6 миллион 600 минг тонна буғдой етиштирилгани ёки кўрилган аниқ ва амалий чора-тадбирлар натижасида 940 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилгани, уларнинг ярмидан ортиғи қишлоқ жойлар ҳиссасига тўғри келиши Ўзбекистон раҳбарияти ҳар томонлама пухта ўйлаб чиқилган режа асосида иш юритаётганидан далолат беради.

Агар жорий йилнинг дастлабки ярми кўрсаткичларига назар ташлайдиган бўлсак, эришилган натижалар бундан кам эмаслигига амин бўламиз. Хусусан, зикр этилган даврда ялпи ички маҳсулотнинг 8 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 11,8, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,9 фоизга, қурилиш ишлари ҳажми 11,5 фоизга ўсиши таъминлангани ёки 509 мингдан ортиқ, жумладан, қишлоқ жойларда 350 мингдан зиёд иш ўрни ташкил этилганини алоҳида қайд этиш лозим. Такрор бўлса-да, ҳақиқат шу: аввалдан ҳар томонлама пухта ўйлаб ишлаб чиқилган дастурларда белгиланган чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилиши туфайли ана шундай ижобий натижага эришилмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, истиқлол йилларида мамлакатимизда озод ва обод Ватан, фаровон ҳаёт барпо этишдек буюк ва олижаноб мақсад йўлида олиб борилаётган том маънодаги тарихий ишлар биз учун муқаддас ва ягона бўлган Ўзбекистонимизни ҳар томонлама обод этиш, уни энг ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқишда ҳал қилувчи омил бўлмоқда. Шу маънода, замонавий қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжни янада тўлиқ қондириш мақсадида биргина 2010 йилнинг олти ойи давомида замонавий том ёпиш материаллари, гипсокартон, қуруқ пардозлаш аралашмалари, йиғма конструкциялар каби қурилиш ва пардозлаш материаллари ишлаб чиқарувчи 116 та янги корхона ишга туширилгани, айниқса, қувонарлидир. Замонавий миниускуналар билан жиҳозланган 66 та қайта ишлаш корхонаси ташкил этилиши эса жойларда мева-сабзавот, гўшт ва сутни қайта ишлаш ҳажмини янада кўпайтириш имконини яратди.

Манфаат ва яна бир бор манфаат устуворлик қилаётган бугунги дунёда бировга ўзингни тан олдириш, ўзгалар эътирофига сазовор бўлиш осон эмаслигини ҳаммамиз яхши тушунамиз. Бинобарин, Юртбошимиз ташаббуси ва раҳнамолигида ишлаб чиқилган Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш борасида эришган ютуқлари нуфузли халқаро молия ташкилотлари ва иқтисодий институтлар, жумладан, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва дунёнинг бошқа етакчи молиявий институтлари томонидан юксак эътироф этилгани, халқимизнинг "Оққан дарё оқаверади" деган ҳикмати нақадар тўғрилигини яна бир бор исботлади. Масалан, 2009 йилнинг октябрида юртимизга ташриф буюрган Халқаро валюта жамғармаси ижрочи директорлари миссиясининг баёнотида, жумладан, шундай дейилади: "Ўзбекистон ҳукумати жаҳон иқтисодий инқирози шароитида иқтисодий ўсишни таъминлаш учун зарур бўлган кўплаб ресурсларни жамлаган ҳолда, жаҳон молия бозорларида оқилона сиёсат олиб борди. Бундай пухта ўйланган сиёсат мамлакатнинг глобал иқтисодий инқироз таъсирига самарали қарши тура олишида муҳим омил бўлди".

Жорий йил баҳорида мамлакатимиз пойтахтида 400 дан зиёд давлат ва жамоат арбоблари, бизнесменлар, дипломатлар, олим ва экспертлар, дунёнинг нуфузли молия ташкилотлари вакиллари иштирокида ўтказилган халқаро илмий-амалий анжуманда ҳам Юртбошимиз раҳнамолигида ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури нечоғли ҳаётий экани, ундан бошқа мамлакатлар ҳам ибрат олиши зарурлиги эътироф этилди.

"Мамлакатингизга халқаро бўҳронинг оқибатларини енгиллаштириш ва бартараф этиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни ўрганиш ва уларни Япония шароитида қўллаш борасида тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида келдим", деди ўша анжуман давомида Японияда Марказий Осиё тадқиқотлари институти директори Ясуко Гото. Агар бу гаплар замонавий дунёнинг энг ривожланган давлатларидан бирининг етакчи мутахассиси томонидан айтилаётганини инобатга оладиган бўлсак, жаҳонда кечаётган ўта оғир шароитга қарамай, Ўзбекистон эришаётган ютуқ ва марралар ҳақиқатан ҳайратланарли ва ибратомуз эканига такрор-такрор амин бўламиз. Ёки грециялик Майкл Папасавваснинг мана бу сўзларига эътибор қилинг: "Шундай мураккаб шароитда глобал иқтисодий инқироздан деярли азият чекмаган Ўзбекистоннинг бой тажрибасини ўрганиш кўпчилик учун жуда фойдалидир".

Дарҳақиқат, жаҳон инқирози ва унинг салбий оқибатлари бутун дунёда чуқурлашиб бораётган бир шароитда ўнлаб янги корхоналар барпо этилиб, минг-минглаб янги иш ўринлари яратилди, аҳоли даромадлари муттасил ошиб, турмуш даражаси тобора юксалиб бормоқда. Буни ҳар бир юртдошимиз ўз ҳаёти, маҳалласи, иш жойида ана шу жаҳон инқирози даври — сўнгги уч йил мобайнида рўй берган ўзгариш ва янгиланишлар мисолида тасдиқлаши мумкин.

Шунингдек, бу даврда Ўзбекистонда таълим-тарбия, илм-фан, соғлиқни сақлаш, маънавият масалаларига эътибор заррача сусаймасдан, аксинча, янада кучайганини алоҳида қайд этиш зарур. Аксар етакчи давлатлар ҳам қандай қилиб кундан-кун ортиб бораётган ишсизликнинг олдини олиш, одамларни нима билан андармон қилишни билмай боши қотган бир пайтда Ўзбекистон маънавиятни янада юксалтириш, қадимий маданий меросни улуғлаш, миллий адабиётни қўллаб-қувватлаш, ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол ва ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етишини таъминлаш борасида махсус дастурлар асосида кенг кўламли ишларни амалга ошириб, кўпчиликнинг ҳавас ва ҳайратини уйғотгани шундай дейишга асос беради. Масалан, биргина "Баркамол авлод йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш учун жорий йилнинг дастлабки олти ойида 4,2 триллион сўм ажратилгани фикримизнинг ёрқин исботидир. Аниқ мақсадларга йўналтирилган ана шу маблағ Давлат дастурида белгиланган тадбирларни изчил амалга ошириш имконини бермоқда.

Бу дунёда бахт тушунчасини ҳар ким ҳар хил тушунади ва ўзича талқин этади. Аммо бизнинг халқимизда бу тушунчанинг яхлит бир изоҳи мавжуд. Бу ҳақда Юртбошимиз ўзининг кўпгина чиқишларида тўхталган. "Одам ўзини қачон бахтли ҳис этади. Уй-жойи обод, хонадони тинч, фарзандлари соғлом бўлса", деди хусусан шу йил ёзда Андижон вилоятига қилган сафари чоғида. Зеро, ўзбекнинг бахти ҳам, иқболи ҳам, ҳаётдан мақсади ҳам аввало фарзанд, унинг камоли билан боғлиқ.

Мамлакатни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият қуриш йўлидаги мураккаб ва кенг кўламли вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган янги авлод кадрларини тарбиялаш масаласига мустақил юртимизда ҳамиша муҳим принципиал ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга деб қараб келинаётгани барчамизга маълум. Табиийки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида ҳам бу принципга содиқ қолинди. Чунончи, 2004 – 2009 йилларда (инқироз айни авж олган давр эканига эътибор беринг) Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастури доирасида жами 8501 та умумтаълим мактабида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди, жумладан, 351 та янги мактаб биноси барпо этилди, 2470 та мактаб капитал реконструкция қилинди, 3608 таси капитал, 2072 та мактаб эса жорий таъмирланди. Эътиборлиси шундаки, фойдаланишга топширилган 8501 та таълим муассасасидан 6888 таси ёки 81 фоизи қишлоқларда, 287 таси ёки 3 фоизи бориш қийин бўлган ҳудудларда жойлашган.

... Менинг болалигим ҳам чекка бир қишлоқда ўтган. Мен ўқиган мактаб асли ўтган асрнинг 30-йилларида терини ошлаш учун мўлжаллаб қурилган 12 хонадан иборат пастаккина бино эди. Деворига терининг бадбўй иси ўтириб қолганидан кўнгилни беҳузур қилувчи ҳид анқиб турарди. Қишда хоналар кўмирда иситилганидан тутаб кетар, баъзан орқа партада ўтирган бола доскадаги ёзувни кўриши қийин бўларди. Шунинг учун ҳам печ кўпда ёқилавермас, болалар тўн, пальто, телпак, хуллас, нимани устига ташлаш имкони бўлса, ўшанда ўтираверарди. Ҳатто танаффусда исиниб олиш учун ҳовлида ўт ёқиш оддий ҳол эди. Уч кунда (!) бир тўлдириладиган ҳовлидаги икки тонналик бочкадан сув ичардик. Стадионимиз дала эди, спорт зали ҳақида эса қайсидир мактабларда бор деб эшитардик, холос...

Ўйлайманки, бундай ҳол ёши катта муштарийларнинг кўпчилигига бегона эмас. Бундай манзара ўша пайтларда нафақат мактаб, шунингдек, бошқа маданий-маърифий ташкилотларнинг аксарияти учун ҳам хос бўлган. Бугун қишлоғимиздаги ўша мактаб фақат катта авлоднинг хотирасидагина қолди...

Мустақиллик шарофати билан бу борадаги аҳвол тубдан ўзгариб кетди. Хусусан, мана шу инқироз даврида ҳам кўплаб болалар спорти объектлари, мусиқа ва санъат мактаблари, олий ўқув юртлари янгитдан барпо этилиб, ёшлар ихтиёрига топширилганини мисли кўрилмаган улкан ҳодисалар сирасига киритиш мумкин. Айни пайтда ушбу масканларни замонавий талаблар асосида жиҳозлаш, ахборот-коммуникация технологиялари, Интернет тизимини кенг жорий қилиш, дарслик ва ўқув қўлланмаларни янгилаш билан боғлиқ ресурслар сарфлангани инобатга олинса, Ўзбекистон танлаган миллий тараққиёт йўли, инқирозга қарши ўз вақтида кўрган амалий чора-тадбирлари нақадар тўғри бўлганини қандайдир кабинетларда ўтказилган тадқиқот натижалари эмас, ҳаётнинг ўзи такрор-такрор тасдиқламоқда.

Гап таълим ҳақида кетар экан, юқоридаги фикримизни исботлаш учун айрим рақамларни келтириб ўтамиз. Масалан, 2000-2010 йилларда мактаб ўқувчиларимиз халқаро фан олимпиадаларида 80 та медалга эришган. Буларнинг олтитаси олтин, 14 таси кумуш, 60 таси эса бронза медаллардир. Биргина кейинги уч йилда мамлакатимиздаги умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, олий ўқув юрти талабалари жаҳон миқёсида ўтказилган нуфузли Фан олимпиадаларида жами 41 та медални қўлга киритган.

Айниқса, сўнгги йилларда мактаб ўқувчилари ўртасидаги халқаро математика олимпиадасида эришилаётган натижаларнинг тобора юксалиб бораётгани кишини қувонтиради. Агар 1997-2003 йилларда Аргентина, Руминия, Жанубий Корея, АҚШ, Шотландия ва Японияда ташкил этилган мусобақаларда Ўзбекистон терма жамоаси жами 8 та медаль билан юртимизга қайтган бўлса, 2004-2010 йилларда Греция, Словения, Вьетнам, Испания, Германия ҳамда Қозоғистон олимпиадаларида қатнашган ўқувчиларимиз 21 та медаль билан тақдирланди. Айниқса, жорий йилнинг 9-19 июль кунлари Остонада ўтказилган беллашув ўқувчиларимиз учун омадли келди. Жами 6 нафар ёш математикдан иборат терма жамоамиз 4 та кумуш ва 1 та бронза медалига эгалик қилишди.

Ўқувчиларимиз халқаро математика олимпиадасида 1997 йилдан буён қатнашиб келади. Шу кунгача улар томонидан 8 та кумуш, 21 та бронза ва 20 та фахрий диплом қўлга киритилди. Нуфузли фан беллашувларида 11 маротаба иштирок этган жамоа учун бу катта натижа ҳисобланади. Зеро, мусобақа ташкил этилган 1959 йилдан бери унда қатнашиб келаётган баъзи давлатлар учун бу натижа ҳамон орзу бўлиб қолаётгани ҳисобга олинса, мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилган ислоҳотлар самараси янада яққолроқ намоён бўлади.

Бугун мамлакатимизда шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги тафовут тобора камайиб, қишлоқда турмуш маданияти юксалиб бораётгани, маҳаллий ҳаёт тарзи, табиий иқлим шароитига мос, замонавий муҳандислик коммуникацияларига эга баҳаво, ёруғ, кенг ва қулай турар-жойлар барпо этилаётгани халқимизни беҳад хурсанд қилмоқда. Узоқни кўзлайдиган, пухта лойиҳалар асосида шарқона усулда яратилаётган бундай янги уйлар одамларнинг дунёқараши, ҳаётга муносабати ўзгариши, эртанги кунга ишончи янада ортишига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистоннинг бундай оламшумул ютуқ ва марралари, жаҳонда ўз ўрни ва ўз сўзига эга бўлиши истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб ўзига хос ва ўзига мос мустақил тараққиёт йўлини танлаб олгани ва шунга қатъий амал қилиб келаётгани, энг муҳими, заҳматкаш ва бағрикенг халқимизнинг машаққатли меҳнати, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, меҳр-оқибат ва миллатлараро тотувлик, бир сўз билан айтганда, давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсат самарасидир.

Албатта, бутун дунёни ларзага солган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида Ўзбекистон қандай қилиб бундай юксак натижаларга эришди, деган масала ҳали халқаро экспертлар, сиёсатшунос, иқтисодчи ва мутахассислар томонидан батафсил ўрганилиши, тадқиқ ва таҳлил этилиши шубҳасиз. Аммо биз — ўзбекистонликлар учун энг муҳими, халқимизнинг инқироз даврида ҳам ўз ҳаётини янада фаровон қилиш, фарзандлари келажагини таъминлаш, тараққий топган давлатлар қаторидан ўрин олиш йўлида қатъий ва собиткадамлик билан бораётганидир.

Ж. ҲАЙИТОВ

Инсон ўз эзгу ниятларининг ижобатини оила тимсолида кўради. Оилада ҳаёт мазмунини англайди. Шунинг учун инсон юрагидаги энг беғубор туйғуларни никоҳ билан мустаҳкамлайди. Модомики, оила меҳр-муҳаббат, эзгу ниятлар асосига қурилар экан, унинг мўътадил иқлимини, тошу тарозисини эр-хотин яратади.

Оила — бахт бўстони

Никоҳ тантаналарида «Бахт тилайман» деган ибора кўп ишлатилади. Модомики, шу бахтга эришиш насиб қилган экан, уни асраш-авайлаш лозим. Бу эса эр-хотиннинг бир-бирини асрашидан бошланади. Оила шундай бир ошён бўлсинки, одам кўнгилга қўнган ғуборларини аритмоқ учун оиласига талпиниб яшасин. Юраги толиққандай, ҳоригандай бўлган дамларда, «мени тушунувчи, менга таскин бахш эта олгувчи ёлғиз оилам», десин. Оиладаги меҳрли муҳитни аёл яратади. Чунки аёл уйнинг жони, рўзғорнинг фариштаси, оиланинг офтобидир. Ана шу талабларни қондира олган аёл чинакамига бахтлидир?

Муқаддас битикларда таъкидланишича, оқила хотин ўз эрининг ҳақиқий кўмакдошидир. Фарзанд туғиб, тарбиялаган аёллар энг яхши аёллардир. Эр билан муроса қилиб яшайдилар, эрнинг қудрати етмайдиган нарсани талаб қилмайдилар, эр нимани совға қилса, хурсанд бўладилар...

Оила — жамият юраги. Оилалар тотувлигидан жамият ҳамжиҳатлиги бошланади. Агарда оиладан аҳиллик кетса, бу аввало шу рўзғордаги фарзандлар қалбига кемтиклик солади. Эр-хотиннинг юрагини емиради. Алал оқибат жамият зиён кўради. Шу сабаб биз ота-оналарнинг, фаолларнинг зиммамизда ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш вазифаси туради. Бу вазифани амалга ошириш йўлида ўтказаётган қатор тадбирларимиздан мақсад битта: ёшларимиз оилавий ҳаёт масъулиятини, оила муқаддаслигини чуқур англаб етсинлар. Ўз бахтини ҳар хил ҳою-ҳавасларга, латта-путталарга, мол-дунёларга алмашмасинлар. Дунё топилар, аммо қўлдан чиққан бахт, бой берилган вақт ортга қайтмайди.

Давлатимиз томонидан ёшларимиз маънавий баркамол, ҳуқуқий жиҳатдан комил инсонлар бўлишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ҳар бир замонавий йигит-қиз ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган оила мустаҳкамлиги, никоҳ соғломлигини таъминлашга, ҳамда ёшларнинг маънавий ва жисмоний етуклигига эришишга қаратилган қатор қарорларни, шунингдек, Оила кодексни ўқиб-ўрганишлари лозим. Бу меъёрий ҳужжатлар бевосита тақдиримизга, биз қураётган оилага дахлдор. Ҳеч бир инсоннинг мақсади жамиятнинг мақсадларидан айри бўлолмаганидек, жамиятнинг мақсади ҳам унда яшовчи инсон мақсадига бегона эмас: инсон ўқиш ва ишидан, оиласидан, ўстираётган фарзандларидан, умуман бу ҳаётдан бахт топсин...

Афсуски, ҳаётда ўз бурчи ва мажбуриятини ҳис қилмасдан, бир-бирининг руҳий, жисмоний аҳволини ўрганмасдан оила қураётганлар ҳам учрайди. Нохушликлар, ажралишлар кўпинча ана шундай оилаларга тегишли бўлади. Уларни кўриб, наҳотки бу ёшлар никоҳга, оилага шунчалар енгил қарайдилар. Фақат бир кечалик базму жамшиду ва кўз қамаштирувчи сарполар учун турмуш қуришганми? дея изтироб чекасан киши...

Шу ўринда жойларда ўтказилаётган тўй-маросимларнинг дабдабозлиги ҳақида ҳам икки оғиз фикр юритмоқчи эдим. Тўйлардаги ортиқча сарф-харажатлар айланиб келиб ёшларнинг ўз зиммасига тушяпти. Бировдан кам бўлмайин деб дастурхон тузаш, ресторанларда тўй ўтказишнинг ўзи эмас, албатта.

Никоҳни қонуний қайд эттираётган ёшларнинг чеҳрасига боқиб, гўё дунёга қайтадан келгандай бир хуш кайфият ҳис этаман ўзимда. Уларнинг юз кўзларидаги бахт ёлқини доимий бўлишини истайман. Гўё улар бир-бирининг пешонасига қўнган бахт қушлари. Оила эса уларни бирлаштириб турувчи бир бўстон.

— Илоҳим, шундай бўлсин, — беихтиёр тилак билдираман. — Бир-бирингизнинг тимсолингизда бахтингизни топганингиз рост бўлсин, азиз ўғил-қизларим.

Н.ЧОРИЕВ
Сурхондарё вилояти Қизириқ тумани ФҲДЁ бўлими мудири

БОЛАЛАР НАШРИГА БИР НАЗАР

БЕҒУБОР МАТБУОТ

(Бошланиши 1-бетда.)

БОЛАЛАР ГАЗЕТА ЎҚИШАДИМИ?

Биламан, савол сизнинг назарингизда мавҳумдай туюлиши мумкин. Бунинг устига уларга нисбатан сўнгги пайтларда "болалар ўқимай қўйишди" деган таъналар бот-бот қулоққа чалиниб турса. Шунинг учун, саволга аниқлик киритиб, "Болалар қандай газетани ўқишади?" десак тўғрироқ бўлади. Бу саволга жавоб беришдан олдин республикада чоп этиладиган ягона нашр ҳисобланган "TONG YULDUZI" болалар газетаси фаолияти билан қизиқдик.

1929 йилдан буён нашр этила бошланган мазкур газета мустақиллик йилларида "TONG YULDUZI" номи билан чоп этилмоқда. Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, "Камолот" ЁИҲ Марказий кенгаши, "Соғлом авлод учун" ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси муассислигида нашр қилинади. Адади 80752 нусха.

Газетани варақлаганингизда кўплаб мақола, хабар, хат, шеър ва ҳикояларни учратасиз. Уларнинг ҳар бири бола тилидан, унинг ўй-хаёлларидан келиб чиқиб ёзилган. Қуйидаги мақолаларда ўсмир ёшлар орасида учрайдиган баъзи муаммолар борасида фикр берилган. Мисол учун: "Баланд пошна кийган қизларжон", "Интернетдан ким нима ўрганяпти", "Китобсиз дунё ҳидсиз гулга ўхшайди", "Инсон ҳусни одобда", "Мактабда миш-миш", "Миллий урф-одатлар ёшлар талқинида", "Компьютер касаллиги", "Фарзандингиз пулни нималарга сарфламоқда", "Ўрганганим ўзимники", "Ака-укангга билдирма ёхуд яна фарзанд тарбияси ҳақида", "Фарзанд деб яшаймиз", "Келажакнинг имтиҳони", "Табиат ва сув" ана шулар жумласидандир. Бундай мақолаларни ўқиган ҳар қандай ўқувчида ўзига хос фикр уйғонади.

Болаларнинг айтганни тескарисини қиладиган одатлари бор Уларга тазйиқ кўрсатиб, қойишдан кўра, шу каби мақолаларни ўқиб, хулоса чиқаришлари учун имконият бериш маъқулроқдир.

Газетанинг "Хатлар" саҳифасида мактабларда ўтказилган турли тадбирлар ҳақидаги хабарларни бола тилидан ўқийсиз. Боланинг тарбиясига ижобий таъсир кўрсатадиган ҳикматли сўзлар ва мақолалар бош қотирма шаклида "Бўш ўтирмай, бош қотир" саҳифасида берилган. Телевизорда болаларнинг севимли фильми бу — мультфильмдир. Газета ижодкорлари насиҳат қилишдан кўра болалар онгига таъсир қилиш мақсадида мақолаларда мультфильм қаҳрамонларидан фойдаланадилар.

— Газетанинг кўринишларини тез-тез ўзгартириб туриш керак, — дейди бош муҳаррир Тўлқин Ҳайитов. — Газетамиз қошида "Ёш мухбирлар" тўгараги ишлаб турибди. Бугунги кунда унинг иштирокчилари сони олти юздан ошди. Саҳифаларимиздаги ҳар бир рукн, унинг мазмун ва моҳияти ҳақида жамоамиз билан келишиб оламиз. Мавзунинг аҳамияти ва долзарблиги ҳақида кўп бош қотирамиз. Масалан, "Қувноқ танаффус" саҳифаси жуда яхши натижа берди. Шунингдек, "Қизлар академияси" саҳифасининг нуфузи ошди. "Доно бобо"нинг ҳам ўз мухлислари бор. "Истиқлол илҳомлари"га келаётган хатларнинг сони жуда кўп. Ёш мухбирлар орасидан турли кўрик-танловларда ғолибликни қўлга киритаётган ўқувчиларнинг борлиги бизни қувонтиради. Вилоятда мавжуд ижодий тўгараклар билан узвий алоқадамиз. Уларда қатнаётган ёш мухбирларнинг ижодларидан намуналари газета саҳифаларида мунтазам чоп этиб бориляпти. Иншолар танловини бир неча маротаба ўтказдик. "Ким кўп китоб ўқийди?" каби кўрик-танловини ўтказганимизда Сирдарё вилоятидан Шаҳноза Шамсиддинова исмли ўқувчимиз 135 та китоб ўқигани учун ғолиб бўлди. Ҳозир болалар китоб ўқишаяпти. Фақат унга бўлган қизиқишни уйғота олишимиз керак. Қиссаларни кўп бериб борамиз. Китоб ҳолида чиқиб улгурмаган қиссаларни биринчи бўлиб бизда ўқишларини хоҳлаймиз.

Ўқувчиларимизни лотин алифбосида босилган китобларга бўлган эҳтиёжларини қондириш ҳамда мактаб кутубхоналар фондини тўлдириш мақсадида, газетамизнинг ҳар ойдаги ички саҳифаларида китобчалар чоп этаяпмиз. Мухлисларимиз уни китоб шаклида қирқиб олиб, мактаб кутубхона фондини тўлдиришмоқда. Ўқувчилар қўлига 80000 та газета етиб борадими, демак, бу 80000 та китоб бор дегани.

Бугунги юрт болалари кечагидан анча фарқ қилади. Шунинг учун чоп этаётган газета ва китобларимиз ҳам уларга мос бўлиши керак. Болалар газета ва китобларни ўқимай қолишди, деган гапга умуман ишонмайман. Биз уларнинг эҳтиёжларини қондирадиган газета ва китобларни нашр қилсак, улар албатта ўқишади.

Мамлакатимизда ёшларнинг жамиятда тутган ўрни тобора ошиб бормоқда. Шундай экан, нега энди уларнинг маънавий етакчиси саналган болалар ва ўсмирлар газетаси "ягона" бўлиши керак?

— Болалар журналистикаси қийин соҳа. Улар учун ёзиш энг мураккаб жараён. Ҳар бир ижодкор қисқа муддат ичида мақола ёзиши мумкин, аммо у ўқувчининг қалбига етиб бормаса-чи? Бола руҳиятидан, дунёқарашидан келиб чиқиб ёзиш эса ўта қийин, — дейди бош муҳаррир. — Муаллиф бир оз бўлса-да, болалик дунёсига кириши керак. Юртбошимиз томонидан ёшларнинг ҳар бир соҳада иқтидорларини намойиш қилишлари учун имкониятлар яратилган. Шунинг ўзи ёшларга ва уларнинг ютуқларини оммага ёядиган болалар нашрларига бўлган катта эътибордир. Чунки бизнинг асосий мухлисларимиз — болалар ва ёшлар! Айниқса, охирги 3-4 йил ичида болалар нашрларига жуда катта эътибор қаратилди. Буни "TONG YULDUZI" газетаси мисолида олсак, жамоамиз 2009 йил "Энг улуғ, энг азиз" танловида 2-ўринни олди. "Эътироф-2009" кўрик-танловида болалар ва ўсмирлар газеталари орасида 1-ўринни эгаллади. Ҳар иккала танловнинг ўзига яраша аҳамияти бор. Республика миқёсида шундай танловларда ғолибликни қўлга киритган эканмиз, бу, аввало, мамлакатнинг бизга бўлган эътибори, жамоанинг бирдамликда ҳаракат қилишидир.

Газета фаолиятининг дастлабки давридан бошлаб, то ҳозиргача улуғ адиблар ишлаган. Бу ҳақда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, "TONG YULDUZI" газетасининг собиқ муҳаррири Жаббор Раззоқов шундай дейди:

— Болалар журналистикаси — бу беғубор журналистика. 1984 йилнинг 26 майида республика болалар нашрларининг энг оммавий газетаси менинг муҳаррирлигимда босмадан чиқди. Болалар газетаси бу қисқа, лўнда ва қизиқарли воқеаларга бой нашр. Унда олдиқочди гаплар кетмайди. Болаларни алдаб бўлмайди. Улардан келган беғубор хатлар, мақол, ҳикоя, репортаж, шеърлар, эртаклар ҳамда турли-туман истак ва даъватлар билан газета шаклланади.

Ҳар бир инсон болалик даврини бошдан кечирган. Лекин улғайгани сайин болалик дунёси унинг учун сирлилигича қолаверади. Дарс хонасида ҳамма ўқувчининг диққатини доскага қаратиш қанчалик қийин бўлса, уларни бир нашр атрофида жипслаштириш ҳам мураккаб жараён.

— Мен таҳририятимиз ижодкорларини хонада ўтириб қолмасликка, вилоятма-вилоят юриб, газетбоп материаллар йиғишга ундайман, — дейди бош муҳаррир ўз фикрини давом эттириб. — Шунда берилаётган маълумотларда табиийлик сезилиб туради.

Газета бу эрталаб нонушта учун қўйилган нондай азиз. 2008-2009 йилда деярли ҳамма вилоятга ижодий сафар қилдик. Ўқувчилар билан юзма-юз гаплашдик. Улар биздан яна қандай мавзуларни кутаётганини билдик. Умуман олганда мухлисларимизни ўргандик. Бундай яқин мулоқотлар бизнинг фаолиятимиз учун жуда ҳам муҳим. Шу сабабли бу йил ҳар бир вилоят болалари учун газетанинг махсус сонларини чиқармоқчимиз. Хоразм вилоятининг ёшлари ҳаёти, турмуш тарзи ҳақида чоп этилган шундай газетамиз аллақачон уларнинг қўлида. Кейинги сонлар нашрга тайёрланмоқда.

Асосан, рукнлар, саҳифалар, тадбирлар орқали аудитория йиғамиз. Бугунги кунда газета очиш осон, лекин аудиторияни ўзига жалб қилиш ва ушлаб туриш жуда қийин. Бизни аудиториямизни эса асосан, болалар ва ўсмирлар ташкил этади. Биз болалар дунёсини обод қиламиз.

— 5-синфда ўқиб юрган кезларимда бувим синглим иккимизни "TONG YULDUZI" таҳририятига олиб келганди. — дейди эндигина ижод остонасига қадам қўйган иқтидорли ёшлардан бири, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Дилафрўз Усмонова. — Ижодкор опаларимиз бизни илиқ қарши олишди. Устозларимизнинг кўрсатмалари, ўгитлари туфайли мактаб, маҳалла, қоларерса, ушбу нуфузли газетанинг жажжи мухбирига айландим. 2007 йил ҳаётимда унутилмас из қолдирди. Зулфия номидаги Давлат мукофотига адабиёт йўналиши бўйича совриндор бўлдим. Бундай юксак мукофотга эришишимда жонажон газетам "TONG YULDUZI"дан бир умр миннатдорман.

"TONG YULDUZI"НИНГ РАҚОБАТГА МУНОСАБАТИ

Рақобат бор жойда ўсиш бўлади. Ҳар бир газетани кўрганимизда, уни ўзимизча таҳлил қила бошлаймиз. Агар у сизга ёқса жовонга, ёқмаса бир чеккага суриб қўясиз. Бунга кўра, бугунги ёшлар ҳам газетани "танлаб" ўқийди десам, адашмаган бўламан. Лекин уларга асосан қайси турдагилар манзур бўлади, деб ўйлайсиз? Менинг фикримча, албатта, рақобатга дош бера оладиганлари.

— Рақобат яхши нарса. Унга дош бера олиш керак. Болалар нашрларининг ҳаммаси "TONG YULDUZI" учун рақобатчи, — дейди суҳбатдошимиз. — Биз энди нафақат республикамизда мавжуд болалар нашрлари билан балки, чет эл болалар нашрлари билан рақобатга киришмоқчимиз. Мустақил юрт фарзандларининг бу соҳадаги иқтидорларини жаҳонга танитиш вақти келди.

Эътиқодхон ОТАҚУЛОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

> **«Биз ўз фарзандларимизнинг бахту саодатини, иқболи ва камолини кўришни истар эканмиз, нафақат оиладаги, балки маҳалладаги одамларнинг хатти-ҳаракати ҳам боланинг шаклланиб келаётган соф қалби ва онгига қандай таъсир кўрсатиши ҳақида доимо ўйлашимиз, бу масалада зиммамизда қандай улкан масъулият борлигини унутмаслигимиз зарур».**
>
> **Ислом КАРИМОВ**
>
> «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобидан

ҲАМКАСБЛАР ҲАҚИДА

ҚАЛАМ ВА ИЛМ СОҲИБИ

Журналистикада назария бирламчими ё амалиёт? Бу соҳада асосийси — амалиёт дегувчилар кам эмас. Албатта, журналистикани амалиётсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу билан бир қаторда соҳа илмини теран англаган олимгина унинг назариясини "тарозининг иккинчи палласида" тенг кўра олади. Наинки кўради, ўзи ҳам журналистиканинг назарий пойдеворини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшади. Филология фанлари доктори, профессор Файзулла Мўминовнинг сўнгги йилларда чоп этилган "Журналистика ижтимоий институт сифатида", "Социология ва журналист фаолияти" каби ўнлаб рисолалари, ўқув қўлланмалари, илмий мақолалари бўлғуси журналистларнинг бу нозик соҳа сирлари, назарий пойдеворини пухта ўрганишларида муҳим ўрин тутмоқда.

Илғор давлатлар журналистикаси билан бўйлашиш учун аввало уларнинг матбуоти тарихи, ривожланиш босқичларини пухта ўрганиш лозим. Устоз раҳбарлигида яратилган "Жаҳон журналистикаси тарихи" деб номланган дарсликда дунёда журналистиканинг пайдо бўлишидан то бугунги тараққий этган давригача бўлган жараёнлар теран тадқиқ этилган.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда интернет журналистикаси жадал ривожланмоқда. Бу борада ҳам назарий билимлар муҳим пойдевор ҳисобланади. Устоз раҳбарлигида 2005-2006 йилларда чоп этилган "Интернет журналистикаси", "Интернетда муаллифлик ҳуқуқи" номли илмий мақолалар тўпламларини мутолаа қилган киши ушбу соҳа сирларини чуқурроқ англаши шубҳасиз.

Илмий ижод масъулиятини яхши англаган олим соҳага оид туркум ўқув қўлланмалари устида изланишларни давом эттирмоқда. Олим аввало илмий муассасалар, жамоатчилик фикрини эътибор билан ўрганади, қўлёзмалари устида қайта-қайта ишлайди. Олимнинг бундай иш услуби шогирдлар учун ҳам ибратдир.

Кези келганда шуни айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 февралдаги "Журналист кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги, 2006 йил 7 августдаги "Оммавий ахборот воситалари соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш Давлат дастури тўғрисида"ги қарорларида ҳам республика олий таълим муассасаларида журналист кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида шу мутахассислик бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмалари, электрон-ўқитиш ахборот ресурслари ўқув-методик ишланмаларининг янги авлодини яратиш асосий вазифа қилиб белгиланган. Бу вазифани бажариш журналистика факультетлари профессор-ўқитувчилари зиммасига улкан масъулият юклайди. Демак, бу борада ҳали қилинадиган ишлар жуда кўп.

Журналистика соҳасида Файзулла Мўминов пешқадамлардан десак, муболаға бўлмайди. Унинг раҳбарлигида шу кунгача айнан журналистика ихтисослиги бўйича ўн бешга яқин номзодлик, битта докторлик диссертацияси ёқланди. У оппонентлик қилган, тақриз ёзган илмий ишларнинг эса саноғи йўқ.

— 1972 йилда шу даргоҳда таҳсил олиб юрган кезларим факультет декани Анвар Шомақсудов, профессор Тўғон Эрназаров сингари азиз устозларим журналистика илмида ўрнимни топишимга катта ёрдам берганларини мудом эҳтиром билан эслайман, — дейди фахр билан Файзулла ака. — Очиғи, бу даргоҳдан чинакам бахтимни ҳам топдим. Умр йўлдошим Фотимахон билан шу масканда топишиб, бирга ижод қилиб келяпмиз.

Уйида турмуш ўртоқ, факультетда устоз дея Файзулла аканинг этагидан тутган Фотима Мўминова ҳам журналистика ихтисослиги бўйича филология фанлари доктори даражасига эришди. Олиманинг "Ҳозирги хорижий ОАВ" ва "Жаҳон журналистикаси тарихи" номли ўқув қўлланмалари дунё журналистикаси сирлари, бу борадаги халқаро тажрибаларни ўзлаштиришга ёрдам беради.

Тўлқин ЭШБЕК,
филология фанлари номзоди,
"Олтин қалам" мукофоти совриндори

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

«ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ЖУРНАЛИСТ НИГОҲИДА»

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган демократик ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш жараёни босма оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш, журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида

«Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» мавзуидаги ижодий танловни эълон қилади.

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ

Танловга 2010 йилнинг 1 январидан 2010 йилнинг 1 декабригача республика босма оммавий ахборот воситалари ва интернет нашрларида эълон қилинган, Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларацияси, мамлакатимизда инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва уларнинг амал қилиши, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, шахсни ҳар томонлама камол топтириш, ёшларнинг демократик фуқаролик жамияти барпо этишда фаол иштирок этиши учун зарур ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий шароит яратишга қаратилган мавзудаги таҳлилий мақолалар ва фото материаллар қабул қилинади.

Танловга тақдим этилган материаллар мамлакатда фаолият олиб бораётган босма оммавий ахборот воситалари, интернет нашрларда чоп этилган бўлиши лозим.

Тақдим этилган материаллар ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида тайёрланган, эълон қилинган босма ёки интернет нашри аниқ кўрсатилган электрон ва матбуот нусхада бўлиши керак. Фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади. Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида маълумотлар (фамилияси, исми, фаолияти, паспорт нусхаси) илова қилинади.

Ғолиблар Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакиллиги (омбудсман), ҳуқуқшунос олимлар, малакали мутахассис экспертлар ва ҳуқуқий мавзуга ихтисослашган журналистлардан таркиб топган жюри ҳайъати томонидан аниқланади.

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИГА МУКОФОТЛАР

Ғолиблар диплом ва қимматли совғалар билан тақдирланади.

Материаллар «Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» мавзуидаги ижодий танловга» деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига 2010 йил 5 декабрга қадар қуйидаги манзилга жўнатилади:

Тошкент шаҳри, 100129, Навоий кўчаси 30-уй, 3-қават, 5-хона. Телефон/факс: 244-15-96, 244-12-51, www.mmf.uz, e-mail: mmf@uzpak.uz, mmf.uz@mail.ru.

Ташкилий қўмита

ДУНЁДА НИМА ГАП?

ШАРҲ

Глобал исишнинг аянчли оқибатлари

Жорий йилнинг ёзи жуда иссиқ келди. Бунинг натижасида кўплаб мамлакатлар ўрмонларида ёнғинлар келиб чиқди. Умуман олганда, кейинги йилларда ҳароратнинг кўтарилиб бораётгани дунё халқларини ташвишга солмоқда. Бунинг айрим сабаблари аниқланган бўлса-да, ҳали ўрганилиши лозим бўлган жиҳатлари кўп.

Африка қитъасининг баъзи ҳудудлари сўнгги 25 йилда бутунлай чўлга айланиб бўлди. Одамлар сув ичадиган қуллар қуриш арафасида турибди. Қумли шамоллар кучайиб, кўчкилар содир бўлаяпти.

Дунё бўйича ичимлик сув муаммоси табора кучаймоқда.

Ушбу ташвишли жараённи ўрганаётган экспертлар бунга асосан карбонат ангидрид газининг атмосферага тарқалаши сабаб бўлаётганини айтмоқдалар. Уларнинг таъкидлашларича, "парник эффекти" деб ном олган экологик ҳалокат шундай ходисаларни юзага келтирмоқда.

Замонавий энерготизимни бугун кўмир, нефть, табиий газсиз тасаввур қилиш қийин. Бу энергия манбалари эса ўзидан энг кўп карбонат ангидрид чиқарувчи маҳсулотлардир. Айнан карбонат ангидрид (CO_2) атмосферадаги мувозанатни бузувчи газ ҳисобланади.

Маълумотларга қараганда, сўнгги 100 йилда атмосферадаги карбонат ангидрид миқдори 25 фоизга кўпайган. Шу сабабли Ернинг ўртача исиши ҳам ярим даражадан кўпроқни ташкил этмоқда. Синоптикларнинг маълумотларига қараганда, асримиз охирига келиб сайёрамизнинг ҳарорати уч даражага кўтарилиши мумкин. Бу эса ер юзини ва одамзотни жуда катта ҳалокат кутаётганини англатади. Бундай ҳолатда музлар эриб, океан ва денгизлар сатҳи бир неча сантиметрга кўтарилади ва дунёнинг айрим давлатлари сув остида қолади.

Шуни таъкидлаш керакки, 1908 йилда швециялик физик ва химик олим, Нобель мукофоти лауреати Сванте Аррениус «Дунёнинг яралиши» асарида «Агар ҳавода карбонат ангидрид миқдори икки баравар кўпайса, ердаги иссиқлик миқдори 40 даража ошади», дея уқтириб ўтганди. Инсоният бу огоҳлантиришга эътибор бермай атмосферани карбонат ангидрид билан булғашда давом этмоқда.

Шу боис, 1988 йили БМТ Бош Ассамблеяси «Глобал табиатни инсониятнинг ҳозирги ва келгуси авлодлари учун асраш» тўғрисида резолюция қабул қилган эди. Унда глобал табиатни сақлаш бутун дунё аҳолиси олдида турган энг долзарб вазифа экани айтилган.

Мазкур муаммони биринчи бўлиб 1824 йили француз математиги ва физиги Ж. Фурье кашф этган эди. 1860 йили англиялик физик Ж. Тиндаль карбонат ангидрид ерга инфрақизил нурлар таъсир қилишига сабаб бўлишини айтган. Биз юқорида тилга олган швед олими С. Аррениус эса атмосферада CO_2 газининг кўпайишига бевосита инсоният айбдор эканини исботлади.

Ҳавонинг исиши билан океан, денгиз, кўл ва дарёлардаги сувлар буғланади. Иссиқ ҳаводаги буғ парник эффектини келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам олимлар парник эффекти океанларда юз беришини кўп бора такрорлашади. Инсон сувнинг ҳавога парланиб чиқишига жиддий таъсир кўрсата олмайди. Аммо инсоният атмосферага бошқа турдаги парник газларни чиқаради. Мутахассисларнинг айтишларича, инсоният асосан қазилма бойликларни ёқиш ҳисобига атмосферага салбий таъсир кўрсатяпти. Ҳисобкитобларга қараганда, ҳавога кўтарилаётгандаги диоксид углерод миқдори ҳар йили 0,3 фоизга кўпайиб бормоқда ва ҳозирга келиб индустрлаштиришгача бўлган даврга нисбатан 30 фоизга ошди. Бу кўрсаткич тоннада ҳисобланганда одамлар ҳар йили атмосферага 7 миллиард тонна карбонат ангидрид газини чиқармоқда. Шу боис атмосферадаги углерод диоксид миқдори 750 миллиард тоннадан ошиб кетди.

Агар ҳавони ифлослантириш шундай давом этса, 2060 йилга бориб атмосферадаги карбонат ангидрид миқдори икки баравар ошади. Олимларнинг ҳисоб-китобларича, биз юқорида тилга олган 7 миллиард тонна CO_2 нинг 3 миллиард тоннаси ҳавога тарқалса, қолган 4 тоннаси сувга сингади.

ЙЎЛОВЧИ АВТОБУС ҲАЛОКАТГА УЧРАДИ

Германия пойтахти Берлин яқинида йўловчи автобус ҳалокатга учради. Унда Испаниядан келаётган польшалик сайёҳлар бор эди. ИТАР-ТАСС хабарида айтилишича, ҳалокат натижасида 13 нафар йўловчи ҳалок бўлган, 32 нафари турли даражада тан жароҳати олган.



Полиция вакилининг таъкидлашича, катта тезликда келаётган автобус аввал қарама-қарши томондан келаётган енгил машинадан қочиб кўприк устунига урилган. Жароҳатланганларга тезлик билан тиббий ва руҳий ёрдам кўрсатилди. Бу ишда полициячилар, тиббиётчилар ва 7 та вертолёт жалб этилди.

Ўша куни Польша бош вазири Дональд Туск Берлинга етиб келди. У касалхонага бориб жароҳатланганлардан хабар олди.

ТИНЧЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛМАЙДИГАН БУНЁДКОРЛИК

Исроил куни кеча Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғида турар-жой бинолари қуришни яна бошлади. Бу ерда қурилиш ишлари ўн ойдан буён тўхтатиб турилганди. Кеча шу муддат тугади.

Сиёсатчиларнинг таъкидлашларича, қурилиш ишларининг бошланиши Исроил ва Фаластин ўртасида катта қийинчилик билан яқиндагина бошланган музокараларни боши берк кўчага олиб кириб қўйиши мумкин.

Парижга расмий сафар билан келган Фаластин етакчиси Маҳмуд Аббос қурилиш ишлари бошланганидан таассуфда эканини билдирди. Франция президенти Николя Саркози бу масалада Фаластинни қўллаб-қувватлашини айтди. Қурилиш ишларининг бошлангани ҳақидаги хабар АҚШда ҳам ташвиш билан қутиб олинди.

Исроил 1967 йилги урушдан сўнг Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғига аҳоли пунктлари қуришни бошлаган эди. Бугун бу турар-жойларда 300 минг нафар Исроил аҳолиси истиқомат қиляпти.

ФОЖИАГА АЙЛАНГАН БАЗМ

Лос-Анжелес шаҳридаги ресторанлардан бирида нишонланаётган туғилган кун тадбири фожиа билан якунланди. Гап шундаки, спиртли ичимлик сероб бўлган бу тантанага жуда кўп одам йиғилганди.

Полиция вакилининг таъкидлашича тадбир охирлаб қолганида жанжал бошланган. Натижада меҳмонлар бир-бирига ташланишган. Кейин эса ўқ отиш қуроллари ишга тушган. 22 ёшли йигит воқеа жойида ҳаётдан кўз юмган. Яна икки киши пичоқ зарбидан зарарланган. Хабарларга қараганда, ҳаммаси бўлиб 9 нафар меҳмон турли даражада тан жароҳати олган. Шифокорларнинг айтишича, улардан бирининг аҳволи жуда оғир. Полиция можарога маҳаллий жиноий гуруҳларнинг алоқаси йўқлигини таъкидлади.

ҲАРБИЙ ШАҲАРЧАЛАР СОТИЛАДИ

Украина мудофаа вазирлиги ўзига қарашли ҳарбий шаҳарчаларни 9 миллиард гривен(1,13 миллиард доллар)га сотишни режалаштирмоқда.

Бу ҳақда вазирликнинг зарар келтираётган мулкни сотиш департаменти бошлиғи Александр Черпицкий "Дело" газетасига берган интервьюсида таъкидлаб ўтди. Унинг қайд этишича, вазирлик мулкни атрофидаги ерлари билан сотсагина юқоридаги маблағга эга бўлиши мумкин. Амалдаги қонунчиликка биноан ҳарбий мулкларни атрофидаги ерлар билан сотиш тақиқланган.

Бу масала яқинда мамлакат парламентида кўриб чиқилади. Ерни мулкка қўшиб сотишга рухсат берадиган қонун лойиҳаси Радага жўнатилган.

Ҳозир мудофаа вазирлигининг 30 минг гектарни эгаллаган 412 та ҳарбий шаҳарчаси бутунлай бўш турибди, 20 минг гектар майдонни эгаллаган 338 та шаҳарча ҳам қисман бўшатилган.

Жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра вазирлик ҳисобида 531 минг гектар жойни эгаллаган 1875 та ҳарбий шаҳарча мавжуд.

ФОЙДАСИДАН ЗАРАРИ КЎП

The Daily Telegraph газетасининг ёзишича, 10 йилдан буён GlaxoSmithKline фармакология компанияси томонидан ишлаб чиқарилаётган ва Европа ҳамда АҚШда қандли диабетга қарши энг самарали дорилардан бири ҳисобланиб келинаётган Avandia дорисини истеъмол қилиш кўҳна қитъада бутунлай тақиқланди, океан ортида эса камайтирилди.

Тиббий экспертларнинг билдиришича, текширишлар чоғида ушбу препаратни истеъмол қилган беморларда инсульт ва инфарктнинг келиб чиқиши 20-40 фоизга ошиши кузатилган. Бундан ташқари, бу дорини мунтазам истеъмол қилганлар орасида ўлим даражаси ҳам 14 фоизга ошган.

Шу боис Европа Тиббиёт Комиссияси бутун ЕИ ҳудудда ушбу доридан фойдаланишдан воз кечишни тавсия этди. Энди бу тавсия Еврокомиссия томонидан тасдиқланиши лозим. АҚШда эса бу препаратдан вақтинча фойдаланиб турилади.

ОСМОНДАН ТУШГАН 50 МИЛЛИОН

Нью-Йоркнинг «Рикерс-Айленд» қамоқхонаси назоратчиси Гарина Ферон «Powerball» лотерея ўйинида 54 миллион доллар ютиб олди. New York Post хабарига қараганда, 34 ёшли назоратчи шунча бойликка эга бўлган эса-да, ишини ташламоқчи эмас. Фақат ўзига келиб олиш учун бир неча кун таътилга чиқмоқчи, холос.

Ферон мухбирлар билан суҳбатда лотерея билетини бир йилда икки-уч мартагина сотиб олишини айтиб ўтди. Ютуқ чиққан билетни ҳам ўйин тугагандан бир неча кун ўтгач текшириб кўрган. У ютуққа қандли диабет хасталигига чалинган онасига Ямайкадан уй сотиб олиб беришга аҳд қилганини айтди.

ПОЕЗД ЙЎЛИДАГИ ФИЛЛАР

Ҳиндистоннинг Ғарбий Бенгалия штатидаги Банархат ўрмонидан ўтувчи темир йўлда юк поезди еттита филни босиб кетган. Филларнинг бештаси фожиа содир бўлган жойда, иккитаси олинган жароҳати туфайли эртаси куни ўлган. Бу ҳақда The Times of India газетаси хабар тарқатди.

Мамлакат атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазири Жайрам Ромешнинг қайд этишича, поездларнинг филларни босиб кетиши биринчи бор содир бўлаётгани йўқ. Лекин ҳеч қачон бунча кўп жонивор бирваракайига ўлмаган эди.

Ҳукумат бир неча марта филлар йўлларни кесиб ўтадиган жойларда тезликни соатига 40 километргача камайтиришни талаб қилишган эди. Лекин машинистлар бунга умуман амал қилмаяпти. Натижада нафақат филлар, балки бизонлар, кийиклар, ҳатто йўлбарслар ҳам кўп марта поезд ғилдираклари остида қолишяпти.

Маълумотларга қараганда Ҳиндистонда 26 мингта ёввойи филлар оиласи бор. Табиий офатлар, броконерлар ҳужуми туфайли улар сони йилдан-йилга камайиб бормоқда.

ДЕЛЬФИНЛАРНИНГ СИРЛИ ҲАРАКАТЛАРИ

Табиат ҳимоячилари Янги Зеландия қирғоқларига ўзини ўлдириш учун келган 74 та дельфиннинг 21 тасини қутқаришга муваффақ бўлишди.

Бунинг учун қутқарувчилар уларни Spitirts Bay чўмилиш ҳавзасидан 50 километр узоқликда бўлган Rarawa Beach сув ҳавзасига олиб келишди ва денгизга қўйиб юборишди. Дельфинлар йўлда ҳам ўзларини ўлимга дучор қиладиган даражада талвасага тушди. Шу тариқа учтаси ҳалок бўлди.

Мутахассисларнинг айтишларича дельфинларни бир жойдан иккинчи жойга олиб юриш жуда қийин жараён ҳисобланади. Чунки улар фақат сувда ўзларни яхши ҳис этадилар.

Денгиз сут эмизувчилари кит ва дельфинлар Янги Зеландия қирғоқларида мунтазам ўзларини ўлдиришга ҳаракат қилишади. Олимлар шу пайтгача бунинг сабабини аниқлашга муваффақ бўлолмаган.

КУЙДИРГИ ХАВФИ

Кропоткин ветеринария лабораторияси ходимлари Краснодар ўлкаси Белоглинск туманининг Успенский станциясида жойлашган фермада бир неча сигир куйдирги касалига йўлиққанини тасдиқлади.

Бу ҳақда Россия Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Жанубий ҳудудлар маркази матбуот хизматидан олинган маълумотлар асосида РИА "Новости" хабар тарқатди.

Хабарда айтилишича, касаллик белгилари 19 сентябь куни аниқланган эди. Шундан сўнг 20 бош сигир ўлдириб, ёқиб юборилди. Ферма дезинфекция қилинди. Ҳозир ферманинг 35 нафар ишчиси врачлар назоратидан ўтмоқда. Икки ишчи эса касалхонага ётқизилди.

КИТОБЛАР ЁҚИБ ЮБОРИЛДИ

АҚШ армияси подполковниги Энтони Шефферниг "Қора юрак" операцияси" китобининг 9500 донаси ёқиб юборилди.

Пентагон вакилининг айтишича, бу китоб мамлакат миллий хавфсизлигига зарар келтиради. Китобда Шефферниг Афғонистонда яширинча олиб борган фаолияти, шунингдек, "Кутилаётган хавф" лойиҳаси ҳақида ҳикоя қилинади.

Китобда ёзилишича, АҚШ махсус хизмати вакиллари 2001 йил 11 сентябрдаги терроршиликнинг ташкилотчиларидан бири Муҳаммад Аттанинг мақсадидан 2000 йилдаёқ хабардор бўлишган. Лекин олдини олиш чораларини кўришмаган.

Ҳарбийларнинг таъкидлашича, Шефферниг китобида кўплаб сир тутилиши керак бўлган ахборот ошкор этилган.

Китоб муаллифи FOX News телеканали мухбирига интервью бериб, Пентагон аввалига унга китобни босишга рухсат бергани, энди эса ёқиб юбораётганидан ҳайратда эканини билдирди.

ЧИҚИНДИЛАР РОССИЯГА КЕЛТИРИЛАДИ

Германиянинг радиация бўйича ҳимоя федерал идораси Россендорфд ядро тадқиқотлари марказидаги радиоактив моддалар чиқиндисини Россияга жўнатишга рухсат берди.

Бу ерда гап реакторда ишлатилган 950 та стержень ҳақида бормоқда. Бу стерженлар 2005 йилдан буён Шимолий Рейн-Вестфалиядаги Ахаус омборида вақтинча сақланаётган эди.

Чиқиндилар АҚШ, Россия ва МАГАТЭ ўртасидаги шартномага биноан Россияга жўнатилиши керак. Чунки улар Россияда ишлаб чиқарилган ва собиқ СССР даврида Шарқий Европа давлатларидаги АЭСларга юборилган.

Ядро чиқиндилари қайси йўл орқали Россияга жўнатилиши ҳозирча номаълум. Тахминларга қараганда, уларни юк машиналарида Бременхафенга ёки Гамбургга олиб келишади ва у ердан кемаларга ортиб Санкт-Петербургга жўнатишади. Юкнинг қаерга келтирилиши ҳам ҳозирча сирлигича қолмоқда. Барча манфаатдор томонларнинг, жумладан, Россиянинг талаби билан бу сир ошкор этилмаяпти.

Эслатиб ўтамиз, жорий йилнинг 24 август куни Россиядаги "Яблоко" партияси вакиллари Германиянинг Москвадаги элчихонаси олдида намойиш ўтказишди. Улар ядро чиқиндиларининг мамлакат ҳудуди бўйлаб олиб юрилиши ва сақланиши ҳамда қўриқланишига ҳукумат кафолат бера олмаслигини айтишди.

LEHMAN BROTHERS МУЛКИ СОТИЛМОҚДА

Яқинда банкрот бўлган Lehman Brothers инвестиция банкига қарашли санъат асарлари коллекцияси Нью-Йоркдаги Sotheby"s кимошди савдосида 12,3 миллион долларга сотилди.

Савдода келиб чиқиши эфиопиялик бўлган рассом Жули Меретунинг "Номсиз 1" асари бир миллион доллардан кўпроққа, Лю Йенинг "Уйнинг узоқ йўли" асари эса 962 минг 500 долларга баҳоланди.

Қайд этиш жоизки, бу асарлар шу пайтга қадар «Lehman Brothers»нинг Манхеттендаги биноси деворларини безаб турарди. Коллекция сотилишидан тушган маблағ кредиторлар қарзини тўлашга ишлатилади.

Бугун Christie"sнинг Лондондаги савдо уйида «Lehman Brothers»нинг Европа давлатлари идораларидаги картиналарни сотувга қўяди. Бу савдодан 3,2 миллон доллар маблағ йиғилиши кутиляпти.

Эслатиб ўтамиз, Lehman Brothers жаҳон иқтисодий инқирози туфайли 2008 йилнинг сентябрида банкротга учраган эди.

ЭНГ ҚИММАТ КЎЧАЛАР

Cushman & Wakefield консалтинг компанияси ўтказган сўровга кўра Нью-Йорк шаҳрининг бешинчи авенюси қаторасига тўққизинчи марта "дунёдаги ижараси энг қиммат кўча" сифатида тан олинди.

Бу ердаги савдо расталарининг ҳар квадрат метри ижараси 16,26 минг евро (21,4 минг доллар)ни ташкил этади. Бешинчи авенюдаги ижара баҳоси бир йилда 8,8 фоизга ошган.

ДАРАКЛАР

Ушбу рўйхатнинг иккинчи ўрнини Гонконгнинг Козвэй Бей кўчаси эгаллади. Бу кўчадаги савдо расталарининг ҳар квадрат метри учун ижарачилар 14,62 минг евро (19,2 минг доллар) тўлашади.

Токионинг Гинза кўчасидаги бир квадрат метр майдоннинг баҳоси 7711 евро (10,1 минг доллар)га тенг. У рўйхатда учинчи ўринни банд этган.

ҚЎРИҚХОНАДАГИ ЁНҒИН

Россиянинг Свердловск вилоятидаги «Денежкин камень» қўриқхонасидаги ёнғин туфайли давлат 17 миллиард рубль зарар кўрди. Бу ҳақда РФ прокуратураси қошидаги тергов қўмитаси сайтида хабар берилган.



Прокуратура қўриқхона директорининг ўринбосари Константин Возьмителга нисбатан жиноий иш очди. У ўз ишига совуққонлик билан муносабатда бўлишда айбланмоқда.

РИА "Новости" хабарида айтилишича, "Денежкин камень" қўриқхонасидаги ёнғин 15 июлдан 10 сентябрсача давом этган. Натижада 3,5 минг гектар майдондаги ўрмон ёниб кулга айланган. Ёнғиндан сўнг Ростабиатназорат қўриқхонада текшириш ўтказганда кўплаб қонун бузилишлари аниқланди. Шундан сўнг прокуратура айбдор шахсларга нисбатан жиноий иш очди.

КАСАЛХОНА ЖАРИМА ТЎЛАЙДИ

Ростов вилоятининг Зимовников тумани марказий шифохонаси бундан икки йил бурун вафот этган қизнинг онасига ярим миллион рубль миқдорида жарима тўлайди. Бу ҳақда туман суди қарор чиқарди.

«Российская газета» мухбирининг ёзишича, 2008 йилнинг октябрь ойида бемор туман касалхонасига иситмаси кўтарилиб, ётқизилганди. "Тез ёрдам" шифокорлари унга ўпка шамоллаши ташҳисини қўйишади. Орадан бир ҳафта ўтгач, беморни нефролог ва гематолог текширувига жўнатишади.

Орадан икки ҳафта ўтгач, бемор Волгадонск шаҳридаги касалхонага жойлаштирилади. Бу ерда унга икки томонлама ўпка шамоллашининг оғир кўринишида ташҳиси қўйилади ва тезлик билан туман марказий касалхонасига жўнатилади. Аммо йўлда унинг аҳволи оғирлашиб яна шаҳар касалхонасига қайтарилади. 2 ноябрь куни эса у вафот этади.

Бемор онасининг даъвоси бўйича тузилган тиббий экспертиза қизнинг ўлимига вақтида ташхис қўймаган туман марказий шифохонасини айбдор деб топди. Шу асосда суд юқоридаги қарорга келди. Туман марказий касалхонасининг кассация шикоятини Ростов вилоят суди рад этди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

ЭКОТУРИЗМ

САРМИШСОЙ СЕҲРИ

Инсон ўзи туғилиб ўсган гўшасини улуғлайди, кўкларга кўтаради. Биз ҳам ўз диёримиз билан ҳар қанча ғурурланса кам. Унинг бир сиқим тупроғи олтин, бир ҳовуч суви зарларга тенг. Ватанимизнинг дунёдаги ҳеч бир юртга ўхшамайдиган ўзига хос иқлими, гўзал масканлари ва мусаффо ҳавоси диёримизга илк бора ташриф буюрган ҳар қандай меҳмонни ҳайратга солади.

Дилларга алланечук ҳаяжон бахш этувчи пурвиқор тоғлар-у, жўшқин дарёлар, она ер бағрида яйраб яшаётган жониворлар, ўт-ўланлар табиатимизнинг борлиғидир.

Шу гўзал табиий муҳитимизни борича сақлаш, асраб-авайлаш, муҳофаза қилиш йўлида хизмат қилаётган Ўзбекистон Экологик ҳаракати яна бир хайрли ишни бошлади. Уларнинг саъй-ҳаракати билан юртимизда экотуризмни ривожлантиришга бел боғланди. Эндиликда жойларда бутун дунёдаги табиат шайдоларини мамлакатимизнинг энг хушҳаво масканларига чорлаш учун барча шароитлар яратилмоқда. Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг масъул ходими Тожиддин ҚАМАРОВ билан суҳбатимиз худди шу мавзуда бўлди.

— Тожиддин ака, аввало, юртимизда экотуризмни ривожлантириш учун мавжуд имкониятлар ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Маълумки, Экоҳаракатнинг асосий мақсадларидан бири — юртимизда экотуризмни ривожлантиришдир. Тўғри, мамлакатимизда тарихий жойлар туризми анчайин ривожланган бўлиб, бизнинг меъморий обидаларимиз таърифи бутун жаҳон халқлари томонидан эътироф этилмоқда. Аммо, таассуфки, ватанимиздаги экотуризмнинг аҳволи билан мақтана олмаймиз. Аслида мамлакатимизда бу соҳани ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжуд. Мисол учун, Фарғонанинг гўзал табиати, Қашқадарёнинг бепоён даштлари, Сурхондарёнинг осмон билан бўйлашаётган тоғлари, Зоминнинг мусаффо ҳавоси, Бухоро вилоятидаги "Жайрон" экомаркази, Навоийнинг Нуротасидаги қадамжоларни бир кўрганда, қалби завқ-шавққа тўлиб-тошмайдиган одам йўқ! Биргина "Сармишсой"даги дунёни ҳайратларда қолдирувчи ажойиботларнинг ўзи юртимизда экотуризмни ривожлантириш учун катта имконият ҳисобланади.

— Дарҳақиқат, "Сармишсой" табиий-археологик мажмуалар қўриқхонаси нафақат беқиёс табиати, балки бир неча минг йиллар аввал яратилиб, ҳозиргача сақланиб келинаётган петроглифлари билан ҳам машҳурдир. Бинобарин, у ерда ўн мингга яқин бизгача сақланиб қолган осори-атиқаларнинг сурати, тоғ-тошларига битилган тасвирлар қадимий аждодларимиз ҳаёти, маданияти ва тарихи ҳақида хабар берувчи асл ҳужжатлардир...

— "Сармишсой"ни сеҳрланган қоялар макони деб таърифлаган бўлардим. Ҳақиқатан ҳам, бу қояларда алланечук сир борга ўхшайди. Агар бу тоғ-тошларга ўйилган суратларни эрталаб томоша қилган бўлсангиз, оқшом пайтида уларни "йўқотиб қўйиш"ингиз мумкин. Ёки баҳор ойларида кўрган тасвирларингиз ёз фаслида кўринмаслиги мумкин. Ҳатто уларнинг айримлари қуёш нури қия тушганда ёки соя-салқин пайтда кўриниш беради, холос. Бу мўъжиза эмасми?!

"Қизилқумнинг мингдан бир мўъжизаси" номли китобда Б. Шалатонин бу ҳақда батафсил ёзган. Муаллифни ҳаяжонга солган ҳолатларга эътибор қилсак: "Биринчи марта бу петроглифларни бир сира кўз югуртириб чиқишга қарор қилдик. Уларни синчиклаб текширишни, ҳисоб-китоб қилишни, нусхалар олишни июль ойигача, ёзги таътилгача қолдиришга аҳд қилдик. Июльнинг охирларида бир неча кунга ушбу топилмаларимиз жойлашган жойга келиб, тасвирларни ўргана бошладик. Лекин, таажжубки, бизга маълум бўлган баъзи ибтидоий, энг қизиқарли расмлар ғойиб бўлган эди" — деб ёзади муаллиф. Аслида эса улар биринчи марта "Сармишсой"га ташриф буюришганида баҳор фасли, ёғингарчилик мавсуми эди. Шунинг учун ҳам айрим тасвирлар яққол кўринган. Аммо ўша тасвирлар ёз ойларида, қуёш нури тик тушганда бутунлай кўринмай қолади.

Муаллиф яна бир ўринда соя да дам олиб ўтиришганида содир бўлган воқеани шундай таърифлаган: "...Бирдан қуёш кўтарилиб, нур соча бошлади ва нурлар бу вақтгача соя да бўлган қояни ёритиб юборди. Қоянинг вертикал текис юзасида бирорта петроглиф, ғадир-будирлик, ўнқир-чўнқир чизиқчалар йўқ эди. Лекин қуёшнинг эгри нурлари девор юзига тегиб, уни ёритганида, мўъжиза содир бўлгандай эди гўё. Деворда бирданига худди сеҳр таъсида юз бераётгандек, аниқ, йирик тасвирлар пайдо бўлди. Васваса ёки фокус таъсирида бўлгани каби кўзларимга ишонолмасдим: қоянинг бутун юзаси бўйлаб карвон борарди гўё. Улкан, ниҳоятда чиройли туялар ва одамлар тасвири"...

"...Биз топган қадимги қоя тошдаги ёзувларда тўртта ясанган одамдан иборат ўйинга тушаётган гуруҳ, гилам тўқиш санъати, ниқоб кийган иккита сеҳргар, отларнинг гўзал тасвири ифодаланган" — дейди Б.Шалатонин.

Бу каби ғаройиб тасвирлар "Сармишсой"да истаганча топилади. Биз бундай ажойиб қояларимиз, қадимий тасвирларимиз билан ҳар қанча фахрлансак, арзийди. Аммо... Ҳар тўкисда бир қусур, деганларидек, "Сармишсой" қояларини кўздан кечира туриб, бир нохуш ҳолатнинг ҳам гувоҳи бўлдик. Яъни неча минг йилликлар олдин чизилган бу ноёб суратларнинг устига "тарих"да қолишни истаган айримлар ўз исмини тошларга чуқур ўйиб, ёзганки, беихтиёр қалбимизда уларга нисбатан нафрат уйғонади. Ахир, минг йиллардан бери аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган бу бебаҳо меросни вайрон қилиш жиноят-ку! Аксинча, уни асраб-авайлаш, бутун дунёга кўз-кўз қилиш бизнинг бурчимиз эмасми?!. Шу каби ҳолатларни кўриб, ёшларимизнинг экологик маданиятини янада юксалтириш, кенг жамоатчилик орасида уни тарғиб қилишни янада кучайтиришни мақсад қилганмиз.

— Сирасини айтганда, экотуризм янги соҳа ҳисобланади. Уни ривожлантириш учун қандай ишлар, чора-тадбирлар белгиланмоқда Дейлик, "Сармишсой"га сайёҳларни жалб этиш учун у ерда етарли шарт-шароитлар борми...?

— Биласизми, бизнинг асосий мақсадимиз ўзига хос табиатимизни борича дунё назарига ҳавола этишдир. Келадиган меҳмонлар табиат қўйнида қадим даврлардаги каби қамиш чайлаларда бироз дам олиб, қумғонда қайнатилган чойдан, тандирда ёпилган нондан баҳраманд бўлишса, ўйлайманки, уларнинг қалби ҳайрат ва ҳаяжонларга тўлиб-тошади. Аммо, бу билан санитария-гигиена қоидаларига риоя қилинмас экан-да, деган хулоса чиқарилмаслиги керак. Айтмоқчи, бўлганимиз сайёҳлар маҳаллий халқимизнинг турмушига яқин бўлган ҳолда табиат билан уйғунликда дам олиб, атроф-муҳит ажойиботларидан баҳра олишса, ўзгача шукуҳ ва тасаввурга эга бўлишади.

Яқинда "Сармишсой" қўриқхонасига бориш йўлида пиёдалар учун 25 метрлик ёғоч кўприк қуриб, фойдаланишга топширилди. Бунда, албатта, ҳамкорларимиз Навоий вилояти ҳокимлиги ҳамда "99-қурилиш мантаж бошқармаси МШ" масъулияти чекланган жамиятнинг алоҳида хизмати бор. Айни кунларда эса "Сармишсой"га олиб борадиган айланма йўл қурилиши давом этмоқда. Қурилиш ишлари ниҳояланса, бу гўзал масканга бориш жуда қулай бўлади. Насиб этса, ушбу гўзал ва тарихий маскан ватанимиздаги экотуризм маркази бўлиб қолади.

Умуман олганда, юртимизда экотуризмни ривожлантириш учун илк қадамларимизни қўйганимиз ва бу йўлда озмиқўпми муваффақиятларга эришаётганимиз кўнгилга таскин бахш этади. Зотан, бизнинг дунёга кўз-кўз қилишга лойиқ жуда бебаҳо масканларимиз бор. Уларга сайёҳларни жалб қилиш, жаҳон аҳлини табиатимизнинг такрорланмас неъматларидан баҳраманд қилиш — асосий ниятларимиздан биридир.

Ситора РЎЗИЕВА
суҳбатлашди

БОЖХОНА ПОСТИ

ОШИНГ ҲАЛОЛ БЎЛСА...

Мамлакатимизда жисмоний шахслар томонидан республикамизга нақд хорижий валютани олиб кириш ва юртимиздан олиб чиқиш тартибларини белгиловчи барча ҳуқуқий асослар ишлаб чиқилган. Амалдаги тартибларга мувофиқ, резидентларга республикамиздан божхона баённомасида ёзма қайд этиш шарти билан 2000 АҚШ доллари эквивалентидаги нақд хорижий валютани эркин олиб чиқиб кетишларига рухсат этилади. Аммо жорий этилган тартибларга қарамай, нақд хорижий валюталарни яширинча олиб чиқишга уринишлар ҳам учраб турибди.

Сурхондарё вилоятидаги "Сариосиё" божхона пости ходимлари томонидан йирик миқдордаги нақд хорижий валютанинг ноқонуний равишда олиб чиқилишига чек қўйилди. Гап шундаки, хориж фуқароси Ф.Гюнтер ҳужжатлари орасига яширган 9400 АҚШ долларини божхона баённомасида ҳам, оғзаки сўров пайтида ҳам маълум қилмасдан қўшни давлатга олиб ўтмоқчи бўлганида тўхтатилди.

Сеулга отланган чет эл фуқароси Х.Пингнинг "парвози" эса бироз кечикди. Чунки у Тошкент аэропортида 5300 АҚШ долларини яширинча олиб чиқишга уринган пайтда тўхтатиб қолинди.

Шунингдек, пойтахт аэропорти божхона ходимлари "Тошкент-Рига" йўналишида учишга шайланган яна бир чет эл фуқароси Д.Андрейни оз эмас, кўп эмас 20 минг АҚШ долларини яширинча олиб чиқишга уринган пайтда тўхтатиб қолишди. Қарангки, бу қонунбузар чўнтагига яшириб қўйилган ушбу пул ҳақида на божхоначиларнинг оғзаки сўровида ва на баённомада қайд этишни "унутиб" қўйибди.

Маълумки, республикамизда нақд хорижий валюта муомаласининг амалдаги тартибини такомиллаштириш ва ташқи алоқаларни ривожлантириш учун қулай шароит яратиш мақсадида 1998 йил 1 апрелдан бошлаб жисмоний шахслар белгиланган тартибда божхона декларацияларини тўлдириш шарти билан нақд хорижий валюталарни республикага эркин олиб келишига рухсат этилган.

Афсуски, божхона чегарасидан ўтаётган айрим резидентлар ва норезидентлар нақд хорижий валюталарни республика ҳудудига олиб киришда қонун бузилишларига йўл қўйишмоқда. Бу эса уларнинг жавобгарликка тортилишига ва пул маблағларининг давлат фойдасига мусодара қилинишига олиб келиши муқаррардир.

Масалан, Тошкент вилояти "Навоий" божхона постида фуқароларни божхона назоратидан ўтказиш жараёнида фарғоналик А.Юлдошев 7800 АҚШ долларини автомашина салонига яшириб, хуфиёна олиб ўтишга уринган пайтда фош этилди. Ваҳоланки, у бу пулларни божхона баённомасида кўрсатиб, бемалол олиб кириш ҳуқуқига эга эди.

ТАМАКИСИ "ТУТАМАГАН"ЛАР

Республикамиз божхоначилари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари билан ҳамкорликда сифати кафолатланмаган ва тегишли ҳужжатлари бўлмаган тамаки маҳсулотларининг олиб ўтилишига қарши тезкор чора-тадбирларни олиб боришмоқда.

Андижон вилоятининг қўшни давлат билан чегарадош ҳудудида "сайр" қилиб юрган қонунбузарлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари томонидан кузатувга олинганини сезиб, юкларини қолдирганича, қўшни давлат томон жуфтакни ростлаб қолишди. Қолдириб кетилган юклар холислар иштирокида кўздан кечирилганда, нотаниш кимсалар салкам 1700 қути «Слассис» сигаретларини яширинча олиб киришга уринганлиги аён бўлди.

"Уфа-Тошкент" йўналишидаги поездда юртимизга қайтган фуқаролар А.Ҳамдамов ва М.Тошпўлатов "Келес" божхона пости ходимлари олдида "кашанда"лар сифатида таассурот қолдиришган бўлса, ажаб эмас. Чунки улар божхона баённомасида қайд этилмаган салкам 200 қути "Парламент" ва 370 қути "Муратти" сигаретларини олиб киришга уринган пайтда фош этилди.

Қайд этиш жоизки, 2010 йилнинг ўтган 8 ойи давомида божхоначилар томонидан аниқланган 347 та қонунбузарлик ҳолатларида қиймати 210 млн. сўмдан ортиқ 238 минг қути тамаки маҳсулотларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилган.

Ҳозирда мазкур ҳолатлар юзасидан божхона суриштирувлари давом эттирилмоқда.

Божхона қўмитаси
матбуот маркази

ҲУҚУҚ

Тадбиркорлар ҳимояси йўлида

Президентимизнинг «Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори тадбиркорлик субъектларига яна бир қанча қўшимча имтиёз ва кафолатлар берди. Жумладан, уларининг ўз фаолиятларини режалаштириш, лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш қиймати қисқартирилди, фаолият билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун бож ҳақи энг кам иш ҳақининг 5 баробаридан 2 баробари миқдорига камайтирилди, улар томонидан банкларда ҳисоб рақамларини очиш учун тўловлар энг кам иш ҳақининг 1 баробаридан 0,5 баробари миқдоригача, қишлоқ жойларда эса энг кам иш ҳақининг 0,1 баробари миқдоригача пасайтирилди.

Кичик корхоналар, ўз уйларида касаначилик билан шуғулланаётган фуқаролар учун қонун ҳужжатларида кафолатлар, имтиёзлар ва преференциялар сақланиб қолди. Шунингдек, давлат идораларига тадбиркорликни ривожлантиришга хизмат қиладиган қонун ҳужжатларини амалда тўғри ва тўлиқ ижро этилишининг назоратини амалга ошириш вазифаси ҳам юклатилган. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамда савдо-саноат палатаси томонидан жойларда давлат бошқаруви ҳамда давлат ҳокимияти органлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқларига риоя қилиниши бўйича мониторинги олиб борилмоқда.

Бу борада Адлия вазирлиги ва унинг тизимлари томонидан тегишли идоралар билан ҳамкорликда гуруҳлар тузилиб, зарур чора-тадбирлар белгиланган. Хоразм вилояти Адлия бошқармаси томонидан шу мақсадларда 114 та тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Ҳудуддаги ҳокимият, бошқарув ва назорат қилувчи органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектлар (шу жумладан тадбиркорлик субъектлари) фаолиятига ноқонуний аралашиш ҳолатлари, рухсатсиз текширишларнинг олдини олиш мақсадида Адлия бошқармасининг «Ишонч телефони» ва бошқа зарур маълумотлар, 46 та эълон, кўргазмали плакатлар тарқатилди.

2010 йил давомида бошқармамиз тадбиркорликка оид жами 43 та мурожаат келиб тушди ва белгиланган тартибда кўриб чиқилди. Мурожаатларнинг 15 таси қоноатлантирилди. 18 таси ҳуқуқий тушунтириш беришни сўрагани сабабли уларга ҳуқуқий тушунтиришлар берилди ва 10 таси тааллуқлигига қараб жойларга юборилди.

Бошқарманинг «ишонч телефони»га шу даврда келиб тушган 42 та мурожаат белгиланган тартибда ҳал этилди. Шунингдек, жойларда туман ҳокимликлари томонидан қабул қилинган 19 та қарор, 8 та фармойиш, шу жумладан, уларнинг бандлари амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига мос эмаслиги аниқланиб, уларни бекор қилиш ва қонунга мувофиқлаштириш чоралари кўрилди.

Назорат қилувчи органларнинг ваколатли ходимлари томонидан «Текширишларни рўйхатга олиш китоби»нинг тўлдирилиши, юритилиши устидан доимий мониторинг олиб борилмоқда.

2010 йилнинг ўтган 8 ойи мобайнида вилоятдаги тижорат банклари фаолияти режа асосида ўрганилиб, банкнинг масъул ходимлари томонидан 57 та ҳолатда хизмат кўрсатиш соҳасида, 301 та ҳолатда кредит ажратишда қонун бузилишларига йўл қўйилгани аниқланди. Масъул ходимларнинг жавобгарлик масалаларини ҳал этиш учун жойларга 29 та тақдимнома киритилди. Пировардида 4 нафар банк ходимига маъмурий баённома расмийлаштирилиб, уларнинг жавобгарлик масаласи суд тартибида ҳал этилди. Банк хизмати кўрсатиш шартномаларининг қонунийлигини таъминлаш бўйича судга 32 та даъво аризалари киритилиб, барчаси қаноатлантирилди.

Жойларда ўтказилган назорат тадбирлари ва мурожаатларни кўриб чиқиш бўйича жами 818 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб зарур чоралар кўрилди.

Гурлан туман ҳокимлиги «Сахтиён» қишлоғида жойлашган «Аму» фермер хўжалигининг фаолият йўналишини ўзгартириш ва унга ижарага ер майдони ажратиш тўғрисидаги қарорни қабул қилишда айрим қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги хўжалик раҳбарининг 2009 йил 18 июнда ёзган аризасига мувофиқ 2009 йил 18 июлда хўжаликнинг йўналишини ўзгартириш ва ер майдони ажратиб бериш ҳақида 349-сонли қарор қабул қилинган ва ҳокимлик заҳирасидаги 10,9 гектарнинг, 10 гектари фермер хўжалигига ижара тартибида ажратиб берилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси»да белгиланган тартиб ва меъёрларда, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар фермер хўжаликларига эллик йилгача бироқ ўттиз йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага берилиши қайд этилган. Гурлан туман ҳокими томонидан қабул қилинган 349-сонли қарорнинг 2-бандида кодекс талабларига зид равишда «Аму» фермер хўжалигига ҳокимлик заҳирасида турган ер майдони паррандачилик йўналишида узоқ муддатли ижарага эмас, балки атиги 1 йил муддатга ижарага ажратилиши белгиланган, холос.

Адлия бошқармаси томонидан 2010 йил бошида мазкур қарорни бекор қилиш орқали қонунга мувафиқлаштириш ҳақида Гурлан туман ҳокими номига киритилган тақдимноманинг ижроси тўлиқ таъминланмагани сабабли бошқармамиз томонидан хўжалик судига даъво аризаси киритилди ва 2010 йил апрель ойида мазкур масала судда кўриб чиқилиб, масала фермер хўжалиги фойдасига ҳал этилди.

Шунингдек, Адлия бошқармасининг иш режасига асосан ДТ Халқ банкининг Гурлан филиалида тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлари ижроси ўрганилганда, филиал томонидан тадбиркорларга хизмат кўрсатишда қонун бузилишларга йўл қўйилгани, яъни Гурлан туманидаги «Дониёрбек» ҳамда «Қадамбой Алибек» хусусий корхоналар раҳбарларининг мурожаатларига асосан кредит маблағи ажратиш ва ҳужжатларни расмийлаштиришда, зарур бўлган ҳужжатлардан ташқари ортиқча ҳужжатлар талаб қилиб олиб, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибни бузгани ҳамда тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг чеклангани аниқланди.

Ўрганиш натижалари бўйича ДТ Халқ банки Гурлан филиалининг кредитлаш бўлими бошлиғи — бошқарувчи ўринбосари вазифасини бажарувчи Давронбек Собировга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖК 241-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик аломатлари кузатилгани боис маъмурий жавобгарлик тўғрисида баённома расмийлаштирилиб, тўпланган ҳужжатлар жиноят ишлари бўйича Гурлан туман судига юборилди. Д.Собировга нисбатан энг кам иш ҳақининг 4 баробари миқдорида, жарима қўлланилди. Бошқармамиз фаолиятида бу каби мисоллар жуда кўп.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш учун тўлиқ қонуний асослар яратилган экан, уларнинг ижросини таъминлаш адлия органлари ходимларининг доимий вазифаси бўлиб қолаверади.

Қ.МАШАРИПОВ,
Хоразм вилоят Адлия бошқармасининг масъул ходими

ШУКУҲ

ТИНЧЛИК ШАРОФАТИ

Аслида ойларга татигулик ҳар бир кунинг, йилларга татигулик ҳар бир ойинг, асрларга татигулик ҳар бир йилингнинг ўзи буюк бир довон.

Беқиёс меҳр-мурувватга, сеҳру синоатга, ғайрату шижоатга, матонату жасоратга, ақлу заковатга тўлиб-тошган ҳар бир довоннинг ўзи бир тарих. Бу тарихнинг ҳар бир саҳифаси не-не машаққатлар эвазига қўлга киритилмоқда. Мустақиллигингни кўз қорачиғидек асраш, уни бир тану, бир жон бўлиб мустаҳкамлаб бориш, ўтмишинг, бугунинг ва келажагинг учун қайғурган буюк фарзандларнинг номларини тиклаш, уларнинг дунё илм-фани ва маданияти равнақига беназир кашфиёт бўлиб қўшилган бетакрор бой мероси — миллий қадриятларимизнинг қаддини ростлаш ишлари қалбимизга завқ, билагимизга куч бағишлайди. Иймони бутун, виждони уйғоқ, нияти пок миллатимизнинг ўзлигини англаш, ўзлигини намоён этиш, яъни янги жамият, янги давлат барпо этиш йўлидаги улуғвор саъй-ҳаракатлари ҳар бир фуқарони бунёдкорлик ишларига чорлайди. Олам-шумул ўзгаришлар, улкан ютуқлар, ойдин орзулару эзгу мақсадлар қалбларимизни фахру ифтихор туйғуларига лиммо-лим тўлдирмоқда.

31 август ҳар биримизнинг хотирамизда, онгишууримизда мангу муҳрланиб қолган энг улуғ, энг азиз кунга айланиб улгурди. Халқимизнинг асрий орзу-армони ушалиб, кўксига истиқлол шабадаси югурган санани ҳар йили ўзгача бир шукуҳ, ўзгача бир тароват, ўзгача бир гўзаллик билан кириб келиши файзли бўлиб боряпти. Майдонлару сайилгоҳлар бағри одамлар билан тўлган. Ҳамманинг дилида, тилида қутлов сўзлари. Давраларда ўйин-кулги авжида. Шаҳар ва қишлоқларимизнинг бари ясаниб, ястаниб, Мустақиллик байрами ана шундай кўрку нафосат ила барқ урмоқда. Бу — энг аввало, тинчликнинг, ҳамжиҳатликнинг, ҳамкорликнинг, фидойиликнинг, меҳр-муравват, эртанги кунга бўлган ишонч шарофатидир. Бу — ўзликни англаш, ўзликни намоён этиш, келажаги буюк давлат — Ўзбекистонимизга бўлган беқиёс муҳаббат, садоқат ифодасидир.

Кечагидек ёдимда. 1991 йилнинг 31 августи эди. Юртбошимизнинг юксак минбардан туриб, Ўзбекистон мустақиллигини буюк бир қудрат билан эълон қилганини бутун вужудимиз билан тинглаб, қувонганимиздан кўзларимизга беихтиёр ёш келган эди. Яшин тезлигида тарқалган бу хушхабар дунёнинг барча тинчликсевар халқларини ҳам мамнун этиб, қутловлар дарёдек оқиб келганлиги ҳам ҳозиргидек кўз ўнгимда.

Дунё харитасида Ўзбекистон номи битилган кун ҳаяжони-ю, севинчини айтмайсизми?! Мазмунмоҳиятига кўра тамоман янги бўлган бахтимиз қомуси — Конституциямизнинг қабул қилинишичи?! Ўзбекистоннинг БМТга аъзо бўлган куничи?! Тарихий воқеа бўлган бундай нуфузли мисолларни юзлаб келтириш мумкин. Ҳар бирининг замирида мамлакатимизнинг тинчлик-осойишталиги, манфаати, тараққиёти, ҳамкорлиги билан боғлиқ бўлган долзарб масалалар мужассамлашганини тасаввур қиладиган бўлсак, ўтган ўн тўққиз йил давомида давлатимиз раҳбари бошчилигида амалга оширилган кенг кўламли хайрли ишлар пурвиқор тоғлар мисол яққол намоён бўлади. Барча соҳалардаги ислоҳотлар натижалари нурли чўққилар каби ярқираб кўринади.

Бугун, ўн тўққиз йил мобайнида бошдан кечирганларимизни, кўрган-билганларимизни, қилган ишларимизни таҳлил кўзгусидан ўтказиб, жаҳоннинг катта-кичик давлатлари билан солиштириб кўрадиган бўлсак, қўлимизни кўксимизга қўйиб, аввало, тинчлигимизга шукроналар айтамиз. Тинчлигимизга кўз тегмасин, деймиз. Тинчлигимиз абадий бўлсин, деймиз. Чунки нимага эришган бўлсак, тинчлик туфайли эришдик. Тинчликнинг шарофати билан дунё бизни таниди, тан олди. Тинчликнинг шарофати билан тенглар ичра тенг бўлдик. Тинчликнинг шарофати билан танлаган йўлимиз тўғри эканини аҳли олам олдида бўй-басти ила исботладик. Тинчликнинг шарофати билан "Ўзбек модели" деб ном олган "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли"даги йигирманчи довонга қадам қўйдик. Иншоолло, бу довон ҳам халқимизнинг тинчлигига, фаровонлигига, бахт-саодатига, Ватанимизнинг гуллаб-яшнашига камарбаста бўлсин!

Йигирманчи довонга қўйган қадаминг қутлуғ бўлсин, Ўзбекистоним!

Нуриддин ОЧИЛОВ,
журналист

ТАКЛИФ

Олмага ҳам рашк қилдим

Она заминимиз шунчалар саховатлики, оддий новда суқса, кўкаради. Унинг бир-биридан сархил ва хушхўр ноз-неъматларига қараб туриб, юртимизни Худонинг ўзи сийлаганига амин бўласан, киши. Шу кунларда полизлар тўлиб-тошган, ранг-баранг мевалар ғарқ пишиб, шарбатга тўлган пайт. Бозор айланиб, кўнглинг яйрайди.

Ношукурлик бўлмасин-у, бозорларимиз пештахталарини тобора эгаллаётган эрони, хитойи олмаларни, турли мева-чеваларни кўриб, "рашким" қўзиди. Ўзимизнинг боғ-роғларда бол йиққан сархил меваларимиз, таъми тилда қоладиган олма-ю, узумларимизнинг улардан қаери кам?

Хориждан келтирилган олмаларнинг юзлари ялтираб, харидорни ўзига чорлаб туриши бор гап. Наҳотки ўзимизнинг олмаларни шундай парваришлаш, махсус агротехника лойиҳаларини ишлаб чиқиш мушкул бўлса? Бу борада олимларимиз нималар қилаяпти экан, деган саволлар қуршовида бозор айланаман. Ўзимизнинг қирмизи олмалар, нокнашватиларимиз, узум ва шафтолиларимиз ҳам жаҳонгашталик қилиб, юртимиз довруғини овоза этаётгани рост. Шунисигаям шукур. Аммо масаланинг иқтисодий томонларини ўйлагач, яна "рашкинг" қўзийди. Боғ-роғларимиз янада ривож топса, фермер хўжаликлари раҳбарлари ўз ишларини боғдорчиликнинг энг замонавий талаблари даражасида ташкил этсалар, хориждан мева-чева олиб келишга сарфланаётган маблағлар ўзимизда қолиб, халқимиз фаровонлигига хизмат қилса, деган фикрлар чулғайди. Мана, ҳадемай, кузги кўчат экиш мавсуми бошланади. Энг кўркам ва сархил мевали дарахтларни заминга мослаб кўпайтириш, пайвандлаш ишлари хусусида ҳам ўйлашимиз лозим шекилли...

Азим АБДУЛЛАЕВ

МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

? Медиация

Медиация юзага келган низоларни ҳал қилишнинг муқобил усулларидан бири сифатида дунё мамлакатларида кенг қўлланилмоқда. Унинг афзаллиги, самарадорлиги, вақт ва маблағ тежамкорлиги кўл келаётгани боис уни суд амалиётига жорий этиш тез оммалашиб кетди.

Хўш, «Медиация», дегани нимани англатади? «Медиация» (лотинча-«mediare») воситачилик қилиш деган маъно англатади.

У юзага келган низоларни муқобил ҳал қилиш йўли бўлиб, бу жараён учинчи тараф, яъни ушбу низодан манфаатдор бўлмаган бетараф ва холис шахс — медиатор томонидан амалга оширилади. Медиатор томонлар тортишаётган масала бўйича муайян келишув (битим)га эришишда ёрдам беради. Бунда томонлар низоларни ҳал қилиш жараёнида қабул қилинадиган қарорларни тўлиқ назорат қилиш имконига эга бўлади.

Медиатор судья ҳам, арбитр ҳам эмас аммо унинг ихтиёрисиз хулоса чиқарилмайди, энг муҳими, у қарорлар қабул қилмайди. Медиаторнинг вазифаси бир томондан жараён бошланишидан олдин келишиб олинган умумий шартларни кузатиб туриш бўлса, бошқа томондан, ўзининг саъй-ҳаракатлари билан низоларни бартараф этишга тўсқинлик қилаётган, шунингдек, томонларнинг эътиборидан четда қолаётган муаммоли масалалар бўйича тарафларни ўзаро муҳокама қилишга ундаш ва уларни муросага келтиришдан иборат.

Медиация қуйидаги принципларга асосланади: ихтиёрийлик, махфийлик, томонларнинг тенг ҳуқуқлилиги, медиаторнинг бетарафлиги ва холислиги.

Ихтиёрийлик принципига асосан, томонлар медиаторни ўзлари — эркин танлайди, қарорларни ўз хоҳишига кўра қабул қилади ва хоҳлаган пайтда музокара жараёнини тўхтатади.

Махфийлик принципи низоларни медиация ёрдамида ҳал қилишнинг яна бир афзаллиги бўлиб, ишлар очиқ ва ошкора кўриладиган суд жараёнидан фарқли ўлароқ, муҳокама қилинган масалалар ва маълумотлар ошкор этилмайди. Бу эса, ўз навбатида оила, мерос, шахснинг қадр-қиммати ва бошқа сир тутилиши лозим бўлган масалалар билан боғлиқ келишмовчиликларни ҳал қилишда кўл келади.

Томонларнинг тенг ҳуқуқлилиги принципи низони янада тез ҳал қилинишига ёрдам беради. Чунки улар, олдиндан музокара жараёнида қандай масалалар кўтарилиши, жараён қандай кечиши ва қарорлар қабул қилинишининг тенг ҳуқуқлилик асосида ўзаро келишиб олишлари мумкин.

Медиаторнинг бетарафлиги ва хослиги мазкур жараённинг муҳим ва ўзига хос жиҳати бўлиб, у низоларни баҳс-мунозара, тортишув йўли билан эмас, балки музокара йўли билан ҳал қилишни ташкил этишга имкон беради. Медиатор медиация жараёнида ҳеч қайси томонга ён босмайди. У томонларнинг фикри билан ҳисоблашиши, ҳурмат қилиши ва инобатга олиши лозим, бироқ бу уларнинг фикрларига қўшилиши ва уларнинг хулқ-атворини маъқуллаши лозим, дегани эмас. Медиаторнинг асосий вазифаси тарафларга ўз фикрларини билдира олишлари учун тенг ва адолатли шароит яратиб бериш, томонларга муайян келишув (битим)га эришишда ёрдам беришдан иборат.

Шуни таъкидлаш керакки, низоларни медиация йўли билан ҳал қилиш мамлакатимиз тажрибаси учун янгилик эмас. Низоларни келишиш, ярашиш йўли билан ҳал қилиш амалиёти ҳозирги кунда ҳам юртимизда у ёки бу кўринишда жорий қилинган. Ўзаро келишмовчиликлар, низолар келиб чиққанда уни дарҳол овоза қилиш, ўртага совуқчилик тушишига сабаб бўладиган ортиқча аризабозлик каби одатлар ор-номус, андиша ва ҳаё каби тушунчалар муҳим аҳамият касб этадиган миллий қадрятларимизга мос келмайди. Шу сабабли, келишмовчиликлар юзага келганда, айниқса, оилавий келишмовчиликларни ҳал қилишда, томонларни муросага келтиришда аввало ёши улуғ, кўпни кўрган, ҳурматга сазовор бўлган инсонларга, маҳалла фаолларига мурожаат қилинади, улардан маслаҳат олинади. Асрлар давомида шаклланган ушбу миллий анъаналаримиз ҳозирда миллий қонунчилигимизда ҳам ўз аксини топган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 апрелдаги 180-сон қарори билан тасдиқланган. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги яраштириш комиссиялари тўғрисидаги низом фуқароларнинг оилада ва маҳаллаларда тинч-осойишта ҳамда ҳамжиҳатликда яшашларини таъминлаш, оилавий келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал қилиш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Фикримизча, миллий анъаналаримиз ва хориж тажрибасининг ижобий жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда медиация институтининг замонавий кўринишларини амалда қўлланилиши ўз навбатида судларда кўриладиган ишларни камайтириш билан бир вақтда, низоларни судгача ҳал қилишнинг самарали воситаларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Мирзоҳид ЯКУБОВ,
Адлия вазирлиги Маъмурий ва иҳтимоий қонунчилик бошқармаси етакчи маслаҳатчиси

ИНСОНПАРВАРЛИК

ЯРАШТИРУВ ИНСТИТУТИ

унинг оммалашуви суд ходимининг малака ва маҳоратига кўп жиҳатдан боғлиқ

Мамлакатимизда истиқлолдан кейин яратилган қонунлар инсоннинг бағрикенг, кечиримлиликка мойил мўътабар зот эканини бани-башарнинг узоқ асрлик тарихида биринчи бор амалиётга жорий этди, одамийликка хилоф ҳолатларнинг барчаси рад қилинди. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш жараёнида инсоний бағрикенглик, кечиримлилик жиноят қонунчилигининг мезони, мазмунмоҳиятига айланди. Буларнинг бари давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг саъй-ҳаракатлари, таклиф ва ташаббуслари, ғамхўрликлари остида рўёбга чиқди.

Давлатимиз раҳбари кўп марта уқтирганидек, бағрикенглик ва кечиримлилик намуналари кучли давлатчилик шароитида янада ёрқин намоён бўлади ва намунали фуқаролик жамиятига равон йўл очади. Мамнуният билан таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистон ўз халқи ва Юртбошимиз орзу қилган демократик ривожланишнинг ана шу пиллапоясига етган мамлакатлар қаторига қўшилди.

2001 йилда "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги" қонуннинг қабул қилиниши тизим ислоҳотида чинакам тарихий қадам бўлди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ республика "Жиноят кодекси" янги 66-1-моддаси билан тўлдирилди. Бунинг шарофатидан мамлакатимиз жиноят қонунчилигида янги яраштирув институти ва унинг мантиқий тамойиллари юзага келди. Ҳозир турмушдаги низоли ва зиддиятли вазиятларнинг кўпчилиги ана шу ибратли тамойил туфайли барҳам топмоқда.

Жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида биргина Хоразм вилояти бўйича 224 киши судлар томонидан айбига иқрор бўлгани, етказилган зарарни қоплагани, жабрланувчи билан ярашгани боис тайинланиши муқаррар бўлган жазодан озод қилинди.

Яраштирув институти жорий қилинганидан буён ўтган вақт ичида эса 3277 киши жавобгарликдан халос бўлди. Қонунчилигимизнинг ушбу тамойили жамиятда такрорий жиноятлардан тийилиш ҳолатини вужудга келтирганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Гап шундаки, яраштирув акти қонунда қайд қилинганидек, биринчи марта жиноят содир этган шахсларга қўлланилади. У кучга кирганидан буён ўтган даврда юртимизда такрорий жиноятлар сони муттасил камаяётгани давлатимиз раҳбари томонидан таклиф этилган ушбу институт ўзини тўлиқ оқлаганидан далолат беради. Яраштирув тамойили республика "Жиноят кодекси"нинг бир йўла 39-моддасида қайд қилинган жиноий хатти-ҳаракатларга нисбатан татбиқ этилади ва ижтимоий хавфи кучли бўлмаган қонунбузарликларни назарда тутади.

Эътиборли жиҳати шундаки, яраштирув акти татбиқ этиладиган қонун моддаларининг доираси йилдан-йилга кенгаймоқда. "Тойлоқ шароб-савдо" ташкилотининг Урганчдаги алкоголли маҳсулотлар дўкони сотувчиси Владимир Сапаев нафсига ортиқча эрк бергани боис мазкур корхонага 602,2 минг сўм, омбор мудири Абдулла Сапаев ўз айби оқибатида "Хоразм-телеком" корхонасига 337,1 минг сўм миқдорида иқтисодий зиён етказишди, шовотлик Мансур Олламов томонидан содир этилган йўл транспорт ҳодисаси натижасида урганчлик Жуманиёз Рўзибоев оғир тан жароҳати олди. Суд мазкур жиноятлар биринчи марта содир этилгани, айбдорлар қилмишига иқрор бўлишгани, жабрланувчи билан ярашишгани, етказилган зарарни қоплашгани боис уларни жавобгарликдан озод қилди.

Ҳуқуқшуносларнинг қайд қилишларича, суд юқоридаги каби ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда яраштирув фактини жавобгарликдан озод қилишнинг асосий шарти сифатида эътироф этади. Ишни кўришга ҳозирлаш ва уни қараб чиқиш жараёнида вазият тўла ойдинлашади, ўзаро яраштирув муҳити кўпинча шу аснода юзага келади ва бу даставвал суднинг эътиборини ўзига жалб қилади. Хўш, бундай ҳолат юзага келмаса ёхуд томонлар ўзаро келишишга интилишмаса-чи? Суҳбатдошларимиз уқтиришганидек, жараённи бошқараётган судья ўз салоҳиятини айнан шу паллада намоён этади. Ётиғи билан томонларни муроса-мадорага ундайди. Башарти орада муроса муҳити юзага келаётган бўлса, жараённи бошқараётган судья уни ҳаммадан илгари илғамоғи, бундай вазият кузатилмаган, пишиб етилмаган тақдирда эса уни вужудга келтиришни ўзининг касбий ва инсонийлик бурчи, хизмат вазифаси этиб белгиламоғи, томонларни ярашувга дадил етакламоғи даркор.

Яраштирув институти Ўзбекистон суд тизимида чинакам инсонпарварлик муҳитини яратди. Давлат ва жамият, қолаверса, суднинг ўзи ҳам жазонинг оғирини эмас, балки енгилини қўллашдан кўпроқ манфаат топишини амалда намойиш этди. Энг катта ютуқ жамиятдаги номуносиб хатти-ҳаракатлар сезиларли даражада камайди.

Абдулла СОБИРОВ,
журналист

ЗАРАФШОН ШАҲАР
«АРВИДАС АВТОТЕХ» ТЕХНИК
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ХУСУСИЙ
КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

мустақил республикамиз келажаги учун
етук ва ҳар томонлама камол авлодни
тарбиялаётган меҳнаткаш ўқитувчи ва
мураббийларимизни 1 октябрь —
Ўқитувчилар ва мураббийлар куни —
умумхалқ байрами билан чин
дилдан қутлайди.
Бахтимизга ҳамиша омон бўлинг,
устозлар!

Маърифатпарварлар жамиятининг Иштихон тумани бўлими жамоаси

юртимиздаги барча зиёлиларни, халқимизни
1 ОКТЯБРЬ — ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ
— умумхалқ байрами билан муборакбод этади.

Устоз ва мураббий!
Бу сўзларни эшитган ҳар қандай кишининг кўнглида чексиз ҳурмат, меҳр туйғулари жўш уради.
Тилагимиз доимо бор бўлинг, элимизнинг ардоғида юринг.



2010 ЙИЛ – БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ

Қалқон бўлар имони бут йигитлар

Республикамиз Президентининг 2007 йил 22 майда қабул қилган "Ҳарбий академик лицейлар иш фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"-ги қарори эълон қилингандан сўнг соҳага оид ўқув масканлари фаолиятида катта ўзгаришлар рўй берди. Жумладан, ҳарбий-техника йўналишидаги Фарғона академик лицейи такомиллашуви унинг иш кўламида сифат ўзгаришларга олиб келди. Мазкур даргоҳда мустақил ҳаётга йўлланма олган юзлаб ўғлонлар бугунги кунда республикамиз мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш, тинчлик ва осойишталигимизни таъминлашга муносиб ҳисса қўшаётирлар.

Ҳарбийларга хос темир интизом, талабчанлик, мустаҳкам ирода, она-Ватан манфаатларини барча нарсадан устун қўйиш... Бу ерда ўқиётган ёшларда ушбу талаб ва фазилатлар шаклантирилгандагина кўзланган марра забт этилади.

Республикамиз Президенти Фармонига кўра "Меҳнат шуҳрати" медали билан тақдирланган лицей директори Мурат Мамажонов бошлиқ аҳил жамоа буни яхши билишади. Юқорида келтирилган бурчга садоқат, фидойилик ҳамда инсонийлик қандай бўлишини ўзида намоён этган бу инсон ҳам жамоада, ҳам эл-юрт олдида юксак ҳурматга эга эканини қайд этиш лозим.

Бутун республикада фахр билан тилга олинувчи мазкур таълим-тарбия масканида ёшларимиз бошланғич ҳарбий илмни ўзлаштирадилар. Жисмонан бакувватлик, ҳушёрлик, эпчиллик, ростгўйлик ва қатъиятлилик, маънавий баркамоллик сифатларини шу ерда шакллантирадилар.

Ҳарбий академик лицейнинг Шуҳрат дафтаридаги ушбу қайдларга эътибор беринг-а: "Амир Темур авлодлари" республика ҳарбийлаштирилган спорт мусобақаларида лицей талабалари олти марта мунтазам 1-ўринни эгаллашга мушарраф бўлишди.



Лицей тарбияланувчиларидан кикбоксинг бўйича 3 карра жаҳон чемпиони Шуҳрат Азизов, қўл жанги бўйича 3 карра республика чемпиони, жаҳон чемпионатида кумуш медаль соҳиби Азиз Азимов, таэквондо бўйича 4 карра республика ҳамда Осиё чемпиони Жавоҳир Деҳқонов, кикбоксинг бўйича 2 карра республика чемпиони Акром Илёсхонов...

Бу даргоҳдаги устозлар лицейнинг собиқ ўқувчилари — ҳозирда юксак ҳарбий унвонларга эга бўлишган ва Ватанимиз мудофаа тизимида фидойилик кўрсатаётган Ҳомиджон Алобиддинов, Улуғбек Шералиев, Алишер Жўраев, Ҳомиджон Дадабоев, Баҳодир Ғаниев, Лутфулла Бузруков, Алишер Мамажонов, Ғайрат Ҳошимов ва бошқалар билан ҳақли равишда фахрланишади. Мустақил Ўзбекистонимизнинг жанубий чегараларини ёвуз кучлардан ҳимоя қилишда қаҳрамонларча ҳалок бўлган катта лейтенант Маҳмуджон Жалилов ва Шуҳрат Собировлар номи жамоа томонидан ҳамиша фахр ҳамда ардоқ билан ёдга олинади. Чунки улар ҳам шу ерда таҳсил олишганди-да. Шунингдек, тарбияланувчилардан "Жасорат" ва "Шуҳрат" медаллари соҳиби бўлган Азизбек Каримов, Владимир Набиев, Рустам Қамчиевлар ҳам лицейнинг Шуҳрат дафтарига киритилган...

Лицей ўқувчилари яшайдиган шинам ётоқхона таълим оладиган ҳамда ўқув-машғулот биноларини, очиқ ва ёпиқ спорт майдонлари, бассейнлар-у, хиёбонларини айланиб, хушбичим ҳарбий либосларда сафланиб ўтаётган шаҳдам одимли бакувват ўспиринларга боқиб: "Қани энди ўсмирлик даврларим қайтиб келса", деган фикр кечади хаёлингиздан.

Ўз фарзандлари билан дийдорлашиш мақсадида юртимизнинг олис гўшаларидан келадиган ота-оналар учун барча қулайликларга эга меҳмонхона муҳайё. ... Лицейдаги 350 нафарга яқин талабага 32 нафар малакали педагоглар ва 19 нафар бой иш тажрибасига эга бўлган ҳарбийлар — взвод ва гуруҳ командирлари таълим-тарбия беришмоқда. Бу ерда ҳарбий-техник дастурларни ўзлаштиришга қанчалар жиддий муносабат билдирилса, умумий таълим фанларини ўқитишга талаб ҳам шу қадар жиддий. Лицей директорининг шахсан ўзи мутахассислар иштирокида тез-тез мониторинглар ўтказиб, таълим-тарбия самарадорлиги кўрсаткичларини таҳлил қилиб бораркан.

Биз лицейдаги педагог кадрларнинг малака даражаси анча баландлигига, ўқитувчиларнинг ўз бурчларига ҳарбийларча талабчанлигига ишонч ҳосил қилдик. Масалан, рус тилидан Э.Ким, инглиз тилидан "Шуҳрат" медали соҳиби Ж.Дон, кимё ва физикадан Н.Асанова, математикадан Ш.Ўринов, техник чизмачиликдан М.Қурбонов ва бошқа бир қатор устозлар ўз устиларида тинимсиз ишлашлари сезилиб туради. Тарих ва ҳуқуқ ўқитувчиси Дилнора Шералиева эса республикамиз Мустақиллигининг 19 йиллиги арафасида "Шуҳрат" медалига мушарраф бўлган экан. Табрикладик.

Ҳарбий таълим машғулотларини кузатгудек бўлсангиз, ўспиринларнинг жисмоний тарбия, саф ҳамда ҳарбий тайёргарлик малакаларини, ҳарбий техника сир-асрорларини қунт ва сабот билан эгаллашаётганига гувоҳ бўласиз.

— Лицейимизда умумий таълим, жисмоний тарбия ва спорт бўйича йигирмадан зиёд тўгараклар мавжуд, — дейди биз билан суҳбатда биринчи взвод командири, майор А.Абдураҳмонов. — Мазкур тўгараклар машғулотларимиз самарасини мустаҳкамлашда, ўқувчиларимизнинг интеллектуал салоҳиятини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этаётир.

Бу ерда ўқувчи ёшлар онгига юксак маънавий-маърифий қадриятлар ҳамда миллий истиқлол моҳиятини сингдириш, уларни она-Ватанга чексиз садоқат руҳида тарбиялашга биринчи даражали вазифа сифатида ёндашиларкан. Лицейнинг ахборот-ресурс маркази 10 мингга яқин сиёсий-маърифий рисолалар, касбий қўлланмалар ҳамда бадиий нашрларга эга экани, маънавият сабоқлари юксак савияда олиб борилаётгани таҳсинга лойиқ.

Биз мазкур академик лицейни битирган ёшларнинг кейинги тақдири биан қизиқдик.

— Лицейимизни муваффақиятли тамомлаган ёш мутахассислар, — дейди лицей директори Мурат Саттиевич, — республикамиздаги бир қатор олий ҳарбий билим юртларида ўқишларини давом эттиришлари мумкин. Масалан, биздан учирма бўлган кўплаб ёшлар айни пайтда Тошкент, Жиззах, Чирчиқ, Самарқанд ҳарбий олийгоҳларида, Ички ишлар вазирлиги академияси ҳамда шу вазирлик тасарруфидаги Тошкент Олий ҳарбий-техника билим юртида таҳсил олишмоқда. Улар билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Лицейнинг педагогик жамоаси босиб ўтаётган шонли йўл ҳақида, улар қўлида пўлатдек тобланиб, мустақил юртимизнинг чинакам ўғлонлари бўлиб камол топаётган ёшлар тўғрисида яна кўп-кўп ҳикоя қилиш мумкин. Муҳими, бу ёшлар ҳадемай буюк мамлакатмизнинг чинакам қалқонлари бўлиб вояга етишларига заррача шубҳа йўқ.

Солиҳ ҚАҲҲОР,
"Hurriyat" мухбири ®

ТИЛАК

“МУБОРАК ГАЗНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ”

жамоаси

мамлакатимизнинг барча устоз ва мураббийларини 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни — умумхалқ байрами билан чин қалбдан табриклайди.

Сиз меҳри қуёш инсонларга мустаҳкам соғлик, бахт-саодат тилайди. Ҳамиша шогирдларингизнинг, элимизнинг ардоғидасиз, азиз устозлар!

ЗАРАФШОН ШАҲРИДАГИ

хусусий тадбиркор

ОБЛАҚУЛОВ ШЕРБЕК

1 октябр — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни — умумхалқ байрами билан барча устозларини самимий муборакбод этади.

Ғаллаорол ижтимоий иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи жамоаси

Ватанимизнинг фидойи ўқитувчилари ва мураббийларини самимий муборакбод этади.

Улуғ ва савобли касб эгаларига мустаҳкам соғлик, бахт ва омад тилайди.

«ТРИУМ ЗАРАФШОН»

хусусий корхонаси жамоаси

Устоз-мураббийларни

1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни — умумхалқ байрами

билан табриклайди.

Келажагимиз эгалари бўлмиш ёш авлодни ҳар томонлама етук, билимдон ва баркамол руҳда тарбиялашда муваффақиятлар тилаймиз. Бахту иқбол доимий ҳамроҳингиз бўлсин!



Маърифатпарварлар жамиятининг Самарқанд вилоят бўлими жамоаси

Илм ва зиё улашувчи маърифат заҳматкашларини Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан қутлайди. Шарафли ишларида ривожлар тилайди.

ДИЛ СЎЗЛАРИ

Зарафшон шаҳридаги «Евро-Нота» хусусий корхонаси

мамлакатимиздаги барча устозлар ва мураббийларни 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни — умумхалқ байрами билан чин дилдан муборакбод этади.

Юртимизда устоз ва мураббийлар ҳамиша эъзозланиб келинади. Боиси ҳар бир кишининг ҳаётида биринчи ўқитувчиси, устози бўлган. Ҳамиша омон бўлинг, азиз ўқитувчилар ва мураббийлар!

Маърифатпарварлар жамиятининг Ургут тумани бўлими жамоаси

мамлакатимиздаги таълим-тарбия масканларида, ўқув муассасаларида фаолият олиб бораётган барча устозларни **1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни** умумхалқ шодиёнаси билан муборакбод этади. Кўнгилларимизда илму зиё гулханини ёқгувчи азиз инсонлар, барчангизга узоқ умр, хонадонингизга файзу барака тилаймиз.

МУШОҲАДА

ЎЗЛИККА ЙЎЛ

Шаҳарнинг ўртасида туриб "Шаҳарга йўл қайси бекатдан бошланади?" деб сўрасангиз атрофдагилар сизга кулиб қарашлари тайин. Аммо биз — катта-кичик, олиму фузалолар "Ўзликка йўл қаердан бошланади?" деб савол қўяверамиз. Шаҳарга йўл сиз турган жойдан бошлангани каби ўзликка йўл ҳам айнан ўзингиздан бошланишини унутманг. Аммо уни қандай бошлаш бошқа гап. Баъзилар ўзлигини фандан, бойликдан ва бошқа шу каби йўналишлардан излайди. XI асрда яшаб ўтган зиёли инсон Абдулло Ансорий: "Минг Каъбадан ортиқроқ эмишдир бир дил..." деб ёзиб кетган эди.

"...Ҳар кунгидай бугун ҳам ҳаётимда бирор ўзгариш юз бермади. Ўзимдаги ўзгаришларга келсак, ўзимга-ўзим қаттиққўллик қилдим. Ахир бугун Анварнинг "Юр, шаҳар айланиб келамиз" деганига "йўқ", деб рад жавобини бера олдим. Бекор юргандан кўра бирон нарса ўқиганим яхши..."

Бу албатта эндигина кундалик ёзишга киришаётган йигитчанинг илк ёзувлари. У шахс сифатида ўзини излашга чуқурроқ киришмоқда. Аммо ҳали ўз олдига қўйган мақсадларига интилишда сурункали иш олиб боришга ўрганган эмас. Ҳаёт ташвишларидан қаттиқроқ дакки ҳам емаган.

"Қайдам, бир кун жуда машҳур бўлиб кетсам, менинг кундаликларим ҳам жуда ноёб манбаларга айланиб кетар. Ҳеч бўлмаганда менинг кундаликларимга кирган танишларим машҳур бўлиб кетсалар кундаликларим асқотар..."

Бу фикрларни кундаликка ёзган йигитча ҳали кундаликка жиддий қараётгани йўқ. Унинг кундалик тўғрисидаги фикрлари ўз шахси атрофида кўпроқ маълумотга эга бўлиб бормоқда. Шу билан бирга бу шахс ўз келажаги ва ҳеч бўлмаганда ўзининг атрофдагилар орасида ўз ўрнини аниқлашга киришган кўринади.

Кундалик ва ундаги батафсил ёзувга келсак, тарихимизда бу борада ҳам бизнинг буюк шахслар бор. Шу ўринда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг машҳур "Бобурнома" асарини қайд этиб ўтсак бўлади. Бобур бу асарида шундай тафсилотларни ёзиб қолдирганки, унинг ўз шахсига бўлган муносабатига ҳатто психолог сифатида ҳам ҳайрон қолганман.

Бу асарда ўз даврининг буюк шахслари, саркардалар, уларга Бобурнинг ва бошқаларнинг муносабатлари, айниқса Бобурнинг ўз-ўзига муносабати яққол кўзга ташланади. Китобда Бобурнинг аёлларга бўлган ҳурмати, нозик муомалалари шундай берилганки, бевосита: "Қани бу жойда шоҳ Бобур ва нозик дидли Бобур?" дея ўйлаб қоласан. Улар шу даражада уйғунлашиб кетганки, Бобурнинг ўз фикрини беришига, уларнинг аниқлигига тасаннолар айтасан. Мана атрофни кузатиш ва муносабат билдириш, мана ўз дилини қоғозга тўкиш намуналари!

Демак, шахс "мен кимман?", "келажакда ким бўлмоқчиман?" деган саволни ўзига қайта-қайта беришни бошлар экан, у албатта ўз салафларига таянади, яъни "жамият ва жамоа менгача қай даражага эришган?" ва "Уларнинг орасида менинг ўрним қаерда?" дейиши тайин. Бу ўринда савол қанчалар залворли қўйилса, кейинчалик унга жавоб берувчи шахснинг жавоби ҳам салмоқли бўлади.

Сен ўзинг билан ўзинг гаплаша бошладингми, ўз ичингдаги шахсга йўл қидираяпсанми, унинг қалбингда борлигига ишонч ҳосил қилдингми, бу ўзингга қараб очилган илк йўлакдир! Ишон, у албатта сени катта йўлга олиб чиқади. Ўзи билан ўзи суҳбатлаша олмаган, ўз қилган ишларини ўзи оқу қорага ажрата олмаган киши каттароқ натижага эриша олмайди. Бу борада менга — психологиянинг оддий мутахассисига ишонишинг мумкин. Шахснинг ўзига йўл унинг ўзи билан ўзининг суҳбатидан бошланади.

Шахснинг "мен"и ва унинг жамиятдаги "мен"и кўпчилик ҳолларда ҳар хил салбий кўринишларга олиб келади. Бу оддий ёлғончилик, мақтанчоқлик, ўзидан мағрурланиш, ўзидан ўзи қониқмаслик ва бошқа ҳоллар. Ушбуларнинг жамият учун энг оғири, албатта, шахснинг иккиюзламачилигидир. Шахс руҳиятида учрайдиган бу дарддан узоқ бўлишни фақат мен ва жамият эмас, биринчи ўринда ўзинг хоҳлашинг керак.

Ўзингда йўқни бор дедингми, борини бўрттириб айтдингми, ўзинг эришган кичкинагина ютуқлар сени мағрурланишга элтаяптими ёки ўз реал ютуқ ва камчиликларингдан доимо нолияпсанми, буларнинг ҳаммаси сени боши берк кўчага олиб кириб қўйиши мумкин.

Психологларнинг аниқлашларига қараганда, одамлар асосан уч турга: ўзларини боридан юқорироқ баҳоловчилар, ўзларини боридан камроқ баҳоловчилар ва ниҳоят ўз кучи ва имкониятига реал баҳо берадиганларга бўлинар экан.

Қисқача айтадиган бўлсам, улар ичида ўзларини ўзлари юқори баҳолайдиганлар катта натижаларга эришолмайдилар, бир кун келиб, панд ейишади. Ўзларини ўзлари паст баҳолайдиганлар эса кўпинча анча яхши натижаларга эришадилар, аммо буларда тушкунлик, ўз-ўзини ичдан кемириш дардлари кучайиб боради. Фан, айниқса сиёсат йўналишларида энг аввало ўзларига ўзлари реал баҳо берувчилар яхши натижаларга эришадилар ва бу шахслар орасида, айниқса ҳаёт лаззатларига муносабатлари яхши бўлганидан уларнинг орасида ўзларини бахтли сановчилар кўп бўлади.

Шахс ўз онгининг, вужудининг соҳиби сифатида уни таҳлил қилар экан, доимо ўзига болалар каби "Мен кимман?" деган саволни бериб боради. Бундай шахс ёмонликка, жаҳолатга қўл урмайди, бошқаларга ёмонлик соғинмайди.

Шаҳарда туриб шаҳарга йўл излаш эмас, шахснинг ўзини излаши бу унинг ўзини ва ўзи орқали жамиятни топишининг индоллосидир. Сиз шахс сифатида буюкларни эслар экансиз, уларнинг қилган ишларини, ихтиро ва эришган ютуқларини баҳолар экансиз, сиз улар орқасидан бораяпсиз, уларнинг фаолиятига баҳо бериш орқали сиз ўз фаолиятингизга мўлжаллар қўяяпсиз. Бу сизнинг шахс сифатида ўзингизга интилишингиз ва албатта ўзингизни топишингизга олиб келади.

Маҳмуд ЙЎЛДОШЕВ,
психолог.

ТАБРИК

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ЎРТА МАХСУС ВА КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ

Барча касбдошларни
1 октябрь – Ўқитувчилар ва мураббийлар куни умумхалқ байрами билан чин дилдан муборакбод этади.

Баркамол авлодни шакллантириш ва буюк истиқлолимиз равнақи йўлида ҳамма устозларга омад ва зафарлар ёр бўлсин. Жамики эзгу орзулари рўёбга чиқаверсин!

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

ТЕМИРХЎЖАЛИК МУАЛЛИМ

Донишмандлар илмсиз инсонни мевасиз дарахтга менгзайдилар. Дарҳақиқат, илм бойлик манбаи бўлиб, иззатни оширади ва камолотга етаклайди. Зеро, илм инсонни маданият-маърифат дунёсига етаклайди. Бизнинг жамиятимизда илмли кишилар ардоқланади. Зотан, азалдан ҳам зиёли инсонлар жамият тараққиётининг сарбонлари бўлиб келганлар.

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган Шоймардон ота Нурмаматов ўқитувчилик касбидан бахт-саодат топган, халқ ҳурматини қозонган устозлардан бири. Қашқадарё вилоятининг Косон туманидаги Темирхўжа қишлоғида истиқомат қилаётган устозни шогирдлари беҳад эъзозлашади. Тўю маъракалар, тантаналар бу инсон иштирокисиз ўтмайди. Ёшлар эса ҳаммага бирдек тўғри йўл кўрсатадиган, маслаҳатини аямайдиган кекса ўқитувчининг дуосини олишга ҳаракат қиладилар.

— Ҳар бир инсонга ўз меҳнатининг самарасини кўришдан ортиқ бахт бўлмаса керак, — дейди Шоймардон ота. — Умр бирпасда оқар сувдек ўтиб кетар экан. Эзгу мақсад сари интилиб, ҳалол меҳнат қилган кишининг умри беҳуда ўтмайди. Бугун мен кўриб турган оддийгина ҳаёт ҳақиқати бу!

Умр бўйи одамларга яхшилик улашган отахоннинг ҳаётга, касбга меҳр, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиш, эртанги кунга ишонч билан яшаш ҳақидаги ҳикояларини эшитиб, фикрларингиз тиниқлашади.

Иккинчи жаҳон урушининг даҳшатли азоб-уқубатлари Ўзбекистоннинг олис қишлоқларигача етиб келган, бирор хонадон бу кулфатдан четда қолмаган кезлар эди. Бир ой ичида катта орзулар билан яшаётган ўспирин Шоймардоннинг ўзи суянадиган, маслаҳат оладиган кишилари фронтга жўнашди. Косон туманида биринчи ўқитувчилардан бўлиб танилган устози — Тошкул Қобилов ҳам фронтга олиб кетилди.

Орадан кўп ўтмай, зарур пайтда маслаҳат оладиган, яқингинада Тошкент шаҳридаги ветеринария хизматчилари тайёрлаш билим юртида таҳсил олиб қайтган акаси Ғани Очилов ҳам урушга кетадиган бўлди. Қишлоқда кексалар, хотин-халаж, ёш болалар қолди. Саводли, оқ-қорани таниган фарзандларини жангга кузатган Темирхўжа қишлоғи ҳувиллагандан ҳувилладики...

Ғани ака бир куни Шоймардонни ёнига чақириб, ўзининг яқин ўртада фронтга кетишини айтиб, қишлоққа саводли кишилар ниҳоятда кераклигини, келгусида, албатта, ўқиши зарурлигини тайинлади. Тошкент шаҳридаги танишининг манзилини бериб, кўп ўтмай фронтга жўнаб кетди.

Шоймардон дунёни кўриш, оламни идрок этиш учун, албатта, савод чиқариш, маълумотли бўлиш лозимлигини, бунинг учун эса элга ўқитувчилар кераклигини жуда яхши биларди. Уруш даҳшатлари, бирбиридан совуқ хабарлар ёш болаларни ҳам тез улғайтириб қўйганди. У Тошкент шаҳрига бориб ўқишнинг имкони бўлмагач, Қарши шаҳридаги ўқитувчилар тайёрлаш курсида таҳсил олди.

Таълим масканидаги устозлар илмга чанқоқ, изланувчан ўсмирга етарли шароит яратиб беришди. У 16 ёшида икки йиллик ўқитувчилар тайёрлаш курсини муваффақиятли тугаллаб, қишлоғига қайтди. Ёшяланглари тўплаб дарс бера бошлади. Бу орада танасининг бир неча жойидан яраланган Ғани ака ҳам қишлоққа қайтиб келганди.

Ҳаёт ўз ўзанига туша бошлади. Одамларда мактабга, илмга қизиқиш пайдо бўлди. Шоймардон дастлаб қўшни Пўлати қишлоғидаги, кейинчалик Бўлмас қишлоғидаги мактабда ўқитувчилик қилди.

Ўша йиллари Шоймардон Нурмаматов дарс берган ўқувчиларнинг аксарияти вилоят халқ хўжалиги соҳаларини, фан ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ҳисса қўшадиган салоҳиятли кадрлар бўлиб етишишди. Қарши давлат университети биология, физиология кафедрасининг профессори Шониёз Қурбонов, шифокорлар Меҳмон Очилов, Йўлдош Раҳмонов, Темирхўжа қишлоғи фаоли Нурим Ашурбоев, Косон тумани халқ таълими бўлими мудири Мурод Мўминов, фан номзоди Тирков Аслоновлар домладан турли йилларда сабоқ олган.

Ўтган асрнинг 50-йиллари бошларида Қурбон Раҳимов, Ғани Очилов, Шоймардон Нурмаматов каби зиёлилар ташаббуси билан Темирхўжа қишлоғида 32-сонли тўлиқсиз ўрта мактаб ташкил этилди. Мазкур мактаб директорлигига тайинланган Шоймардон ака бутун эътиборини ёшларга билим беришга, ихтиёрий равишда саводли бўлиш истагини билдирган ишчи-хизматчиларни ўқитишга қаратди. Қишлоқда яшовчи аҳолининг барча фарзандлари мактабга жалб этилди.

Аҳоли сонининг ортиши, ёшларнинг анча қийинчилик билан қўшни қишлоқдаги мактабга қатнашларига чек қўйиш мақсадида ёш директорнинг ташаббуси билан 1973 йилда 32-сонли таълим маскани ўрта умумтаълим мактабига айлантирилди. Домланинг кўп йиллик орзуси ушалган, бир вақтлар ўғил-қизлари қишда қор, лой кечиб қўшни қишлоқлардаги мактабларга қатнаган бўлсалар, энди Темирхўжада ҳам умумий ўрта таълим мактабига асос солинган эди.

Орадан йиллар ўтди. Бугун муаллим бир вақтлар орзу қилганидек, аҳоли нафақат ёппасига саводхон, балки темирхўжаликларнинг 70 фоиздан ортиғи олий маълумотли мутахассислардир. Улар республикамиздаги, Қашқадарё вилоятидаги турли корхона ва ташкилотларда Ватанимиз равнақига ҳисса қўшмоқдалар.

Шоймардон ота 80 ёшни қаршилаётган бўлишига қарамасдан ҳали анча тетик, қишлоқдаги катта-кичик муаммолар билан шуғулланади.

— Яқинда муаллим яна бир савобли ишни амалга оширдилар, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Олим Ражабалиев. — Қишлоқ ўртасидан ўтувчи зовурга омонат кўприк қурилгани боис ундан қўшни қишлоқдаги бозорга одамлар қўрқа-писа ўтишар, автотранспортларнинг эса 2-3 километр масофани ортиқча босишига тўғри келарди. Шахсан у кишининг ташаббуслари билан ҳашар уюштирилди. Катта ҳажмда иш бажарилгач, зовур ўзанига сув ўтказгич қувур ташлаш лозим бўлиб қолди. Биласиз, қувур учун анча маблағ сарфлашга тўғри келади. Бизлар ҳам қараб турмадик, лекин муаммони яна Шоймардон аканинг ўзлари ҳал қилдилар. Қувур олиб беришга муаллимнинг йўл идорасидаги шогирдлари ҳомийлик қилишди. Қарабсизки, кўпчиликнинг ташаббуси билан кўприк қисқа вақт ичида қуриб битказилди. Энди бу ердан ўтган ҳам, қайтган ҳам устознинг меҳнатини албатта эслайди.

Бундан ташқари, қабристонни ободонлаштириш, йўлларни таъмирлаш, қишлоқдаги шахсий транспортларнинг ҳаркатини тартибга солиш каби хайрли ишларга устознинг ўзлари бош-қош.

Яқинда Шоймардон акани ниҳоятда мамнун кайфиятда учратдик. Унинг кексалик соя солган юзлари, мулойим нигоҳлари кулиб турар эди.

— Бу йил мактабимизда таҳсил олган битирувчиларнинг 70 фоизи олий ўқув юртларига қабул қилинибди, — деди у. — Бу ёшларимизнинг билим эгаллашга бўлган кучли иштиёқидан, қолаверса, мактабимизнинг юқори салоҳиятга эга эканидан далолат беради. Яна бир нарсани таъкидлашни истардим, келажак авлод тақдирига дахлдорлик ҳисси ҳар бир ўқитувчи, ҳар бир мураббий тафаккурида мужассамлашмоғи лозим. Шундагина биз зиёкор ҳисобланган устоз ўқитувчи деган улуғ номни оқлаган бўламиз. Зеро, мактаб илм маскани, ўқитувчи қалб меъмори, деган юксак баҳога сазовор бўлган. Баркамол авлоднинг руҳий дунёсини поклашда, маърифат улашишда, уларни комил инсонлар даражасига олиб чиқишда ҳар қандай машаққатли меҳнатдан ҳам бўйин товламаслик керак.

Шоймардон ота билан хайрлашар эканмиз, устозни Ўқитувчилар ва мураббийлар куни умумхалқ байрами билан самимий табриклаб, унга узоқ умр, шогирдлари ва фарзандлари камолини кўриш насиб этишини тиладик. Зеро, ҳаётда инсонга бундан ортиқ бахт бўлмаса керак.

Исмат ОЧИЛОВ,
журналист,
Ғулом АБДИЕВ,
"Hurriyat" мухбири

КАДРИЯТ

Тошкент темир йўл муҳандислари институти талабалар шаҳарчасида қадимий Мехржон байрамига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда мазкур институт жамоаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари ҳамда пойтахтимиздаги бир қатор олий ўқув юртларидан ташриф буюрган ўқитувчи ва талабалар иштирок этди.

Тўкин-сочинлик байрами

Мехржон юртимизда азалдан тўкин-сочинлик, фаровонлик, файзу барака, шукроналик айёми сифатида қадрланган. Наврўз баҳордаги, Мехржон эса олтин фаслдаги кун ва тун тенглигида нишонланган. Абу Райҳон Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида Мехржон сўзини «қуёш» ва «жон севгиси» деган маънолар билан боғлаб талқин қилган ва «Қуёш ва Ой фалакнинг икки кўзи бўлганидек, Наврўз ва Мехржон заминнинг икки кўзидир», дея таъкидланган.

Тадбирда энг яхши байрам дастурхони танлови, ажойиб саҳна кўринишлари ва адабий мушоиралар ташкил этилди. Ўзбек темир йўл саноатининг кейинги тараққиётини белгиловчи ёшлар тилидан Навоий, Бобур, Фурқат ғазалларининг янграши йиғилганлардан чуқур таассурот қолдирди. Таниқли санъаткорлар ижросидаги куй ва қўшиқлар унга ўзгача файз бағишлади.

— Институтимизда Мехржон байрами ҳар йили анъанавий тарзда кенг нишонланади, — дейди маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи Баҳром Жуманиёзов. — Бу кунда талабалар турар жойида истиқомат қилаётган йигит-қизларимиз йиғилганларга ўзларининг моҳирлик билан безатилган байрам дастурхонини намойиш этади. Талабаларимиз табиат иоми бўлган турли ноз-неъматларга ажойиб шакллар бериб, гўзал санъат намуналарини яратишга, уларда турли рамзий маъноларни ифодалашга ҳаракат қилишгани кўзларни қувнатади.

Тадбир сўнггида, танлов ғолиби деб топилган 4-турар жой талабалари Қизил ярим ой жамияти темир йўл кенгаши томонидан тақдим этилган қимматбаҳо совғаларга эга бўлди.

Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ

Пирҷ комил ҷстозлар

(Бошланиши 1-бетда.)

Айни шу даврда Алишер Навоий дўсти, Хуросон ҳукмдори Султон Ҳусайн Бойқаро томонидан вазир лавозимига тайинланган ҳамда мамлакат ободончилиги йўлида бунёдкорлик ва хайрия ишларига бошчилик қилаётган эди. Унинг раҳнамолигида Ҳирот шаҳри ниҳоят даражада кўркамлашди, халқнинг турмуш шароити яхшиланиб, шеърият, нафис санъат турлари ривож топди. "Амири Кабир" ("Улуғ амир")нинг кутубхона фондида 70 дан ортиқ хаттот ва мусаввирлар гуруҳи қўлёзмаларни оққа кўчириш, бадиий безаш ишлари билан машғул эдилар. Улар орасида Мирак Наққош, Ҳожи Муҳаммад каби ўз даврининг етук санъаткорлари бўлмиш мусаввирлар, шунингдек, Ҳофиз Муҳаммад, Зайниддин Маҳмуд, Султон Муҳаммад Нур сингари хаттотлар қизғин ижод қиларди. Навоий ўз ҳузурига шеърият, илм ва санъат аҳлини тез-тез чорлаб, маърифий суҳбатлар уюштириб турар, ёш истеъдодларга тарбият топиши учун шароит яратарди. Бунинг натижасида бир қатор истеъдодли санъаткорлар авлоди — нафис китобларнинг бетакрор ижодкорлари етишиб чиқди.

Хондамир тахаллуси билан машҳур бўлган Ғиёсиддин ибн Ҳумодиддин ал-Ҳусайний ўзининг "Хулосатул ахбор фи баёни аҳволул ахёр" асарида: *"Амир Алишернинг фазлу ҳунар табақасининг аксарига ғамхўрлиги зўрдир. Тазҳиб (олтин билан нақшлаш) ва тасвир илму ҳунарида нуқсон ва чексиз бўлган қалам аҳиллари, шунингдек, замон наққошлари ва давр муҳандис (бинокор)ларнинг кўпи ул ҳазратнинг тарбия ва таълими воситаси билан бу ҳунарларни ўрганди-лар ва атроф оламда монанди йўқ яхшилар тенги бўлдилар"*, — деб ёзади. Ўз навбатида, Беҳзод ижодининг мавзу доираси, яратган қаҳрамонлари шу ерда — Навоий ва бошқа санъат аҳли таъсирида камол топган. Хусусан, у "хаттотлар қибласи", буюк санъаткор Султонали Машҳадий ва Ёрий Музаҳҳиб билан ҳам яқин ижодий ҳамкорлик қилган.

Тарихчи Хондамир Навоийнинг Беҳзод ижодига кўрсатган ғамхўрлиги ҳақида сўз юритар экан, унинг оламшумул аҳамиятини шундай таърифлайди: *"Буюк устоз (Беҳзод) ўзининг ҳақиқий машҳур мусаввирлигига Амир Низомиддин Алишернинг марҳамати ва ғамхўрлиги туфайли эришди... Устод Беҳзод замонанинг комил суратка-шларидан, балки бу ишни ниҳоятда камолига етказиб, кўп вақтдан бери ҳидоят сифатли Амир Алишернинг тарбияти остида ажойиб иш билан машғул бўлди"*.

Дарҳақиқат, Камолиддин Беҳзод Навоий ҳазратларининг назарига тушиб, улуғ мутафаккир томонидан берилган маънавий ҳамда моддий ёрдам туфайли буюк рассом, беназир наққош ва моҳир миниатюрасоз бўлиб етишди. Навоий Беҳзодни ижодий камолотга рағбатлантиришда нималарга эътибор қаратди? Аввало, мавзу танлашда энг яқин маслаҳатгўй сифатида майдонга чиқди. Ундан кейин эса яратган асарларини муҳокама қилиб, йўлланмалар бериб борди. Ҳар бир ишдаги сўнгги сўзни ва тугал фикрни Навоий айтар эди.

Бу ҳақда шоҳ ва шоир, тарихчи Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам Беҳзоднинг бошқа ноёб истеъдод эгалари қаторида Алишер Навоий тарбияти, шу билан бирга ҳомийлигида камолга етганини эътироф этади:

Мусаввир — Темур Саъдулла

"Устод Беҳзод Бек (яъни Алишербек)нинг тарбияти ва тақвияти била, саъй ва эҳтимоми била, мунча тараққий ва шуҳрат, мундоқ машҳур ва маъруф бўлди".

Яна бошқа бир неча чет эл манбаларида ҳам улуғ шоирнинг Камолиддин Беҳзод ижодига баракали таъсир этганлиги қайд қилинади. Масалан, машҳур инглиз шарқшунос олими Эдвард Брауннинг китобида бу ҳақда шундай дейилади: *"Яша замонда жуда катта шуҳрат қозонган Беҳзод ва Шоҳ Музаффар сингари атоқли наққош-рассомлар, шубҳасиз, Мир Алишер Навоийнинг қўллаб-қувватлаши натижасида камолотга эришдилар"*.

Беҳзоддаги туғма истеъдод, санъат ва нафосатга бўлган кучли иштиёқ, такрорланмас ақлидрок, бундан ташқари, ижодкор сифатида жуда нозик дид соҳиби эканлиги, меҳнатсеварлиги ва заҳматкашлиги уни тез орада Ҳиротнинг машҳур миниатюрасози бўлиб танилишига сабаб бўлди. Ўша даврда мусаввирлар ҳақида рисола ёзган Қози Аҳмад ўз битикларида Беҳзод ижодига катта ўрин бериб, уни қуйидагича таърифлайди: *"Қисқа бир вақт орасида Беҳзод шу даражада моҳир мусаввир бўлиб етишадики, ранг тасвир пайдо бўлгандан буён бу соҳада санъат аҳли орасида унга тенг келадиган йўқ эди"*. Беҳзоднинг яна бир замондоши, нозик дидли мусаввир ва хаттот Дўст Муҳаммад эса: *"Камолиддин Беҳзод замондош мўйқалам соҳиблари орасида энг яхши мусаввир ва хаттотлар мураббийси, ўз санъатининг чўққисига эришган улуғлардан эди"*, — дея хотирлайди.

Ажойиб асарлари билан бадиий наққошлик санъатини юксак чўққиларга кўтара олган Камолиддин Беҳзодни замондошлари қадимги Шарқ рассоми Моний билан тенглаштириб, чизган суратларини Моний яратган расмлар тўплами — "Аржанг"га ўхшатганлар. Унинг мўйқалами билан чизилган тасвирлар ўзининг нафислиги, ёрқинлиги ва бўёқларининг жозибадорлиги жиҳатидан Шарқ мусаввирлик санъатида алоҳида ўринга эгадир. Зеро, Хондамир ҳайратланиб ёзганидек, *"Моний мўйқаламига ўхшаш унинг мусаввир мўйқалами бутун дунё мусаввирларини унутишга мажбур қилади, унинг ажойиб ва мўъжизакор бармоқлари эса Одам Атонинг авлодлари орасидаги барча мусаввирларнинг асарларини хира қилиб қўяди. Соф ҳақиқатни ўзида мужассам этган замонамиз ажойиботи бўлган бу мусаввир ҳозирги пайтда бутун дунё ҳукмдорларининг марҳаматига сазовор"* эди.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан бутун республикамиз бўйлаб Беҳзод ижодий фаолиятини чуқур ўрганиш, ундан халқимизни тўла баҳраманд этиш, ёш авлодни буюк мусаввир асарларида ўз аксини топган эзгу ғояларга садоқат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Юртбошимизнинг 1997 йил 23 январдаги фармонига мувофиқ мусаввир номини абадийлаштириш мақсадида Камолиддин Беҳзод номидаги Давлат мукофоти таъсис этилди. Миллий рассомлик ва дизайн институтига Беҳзод номи берилди.

Халқимизда азал-азалдан устоз-шогирд анъаналари давом этиб келади. Бунга яна бир бор ҳазрат Навоий ва буюк мусаввир Беҳзоднинг ижодий ҳамкорлиги мисол бўла олади. Бугун ҳам юртимизда бу улуғ сиймонинг издошлари ижодий меросидан баҳраманд бўлиб, тасвирий санъатимиз дунёсини бетакрор асарлари билан бойитаётган истеъдод эгалари талайгина.

Энг қувонарлиси шундаки, улуғ бобокалонимизнинг номи, яратган бетакрор асарлари асрлар оша мангу қолди.

Шербек ЁДГОРОВ,
Тошкент давлат шарқшунослик институти талабаси

ҚАДРИЯТ

ХАЛҚ МЕҲРИНИ ҚОЗОНГАН АДИБ

Ойбек ҳайкали пойидаги ўйлар

Инсоний тийнатнинг покизалигига, ижодий меросининг миқёси ва теранлигига кўра, Ҳазрат Алишер Навоий ва Ойбек домланинг қай бир даражада қиёсланишига асос бор, албатта.

Назаримда, бунинг исботи юртбошимизнинг ўтган йили Ўзбекистон адибу шоирларига мурожаатларида ҳам ўз ифодасини топди. Мурожаатда «шоир деганда Алишер Навоийдек беназир зотларни, ёзувчи деганда Абдулла Қодирий ва Ойбек...ни тасаввур этамиз», дея улуғлади. "Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор" номли ана шу мурожаат — рисоладаги яна бир фикр айнан, Ойбек домлани назарда тутиб айтилгандек туюлади: "мустабид тузум даврида виждон азобини ким кўпроқ тортган, деса, мен, доимо бу ҳаётнинг маъно-мазмуни, инсоннинг қадр-қиммати, эл-юрт тақдири ҳақида қайғуриб яшайдиган одамлар ва уларнинг олдинги қаторида бўлган ижод аҳли, деб айтган бўлардим".

Дарҳақиқат, тақдир тақозоси билан ўтган асрнинг энг мураккаб, ноинсоний жамиятида яшаб, ижод этган истеъдодли ўзбек шоиру адиблари қатори Ойбек ҳам ниҳоятда оғир ижтимоий муҳит исканжасида бўлди. Атрофида кечаётган адолатсизликларни кўриб виждонан қийналди, руҳан азоб чекди. Аммо маънан синмасликка, ҳақиқат яловини баланд тутишга ҳаракат қилди. Ноҳақликларга ўзига хос эътироз — ижодий исёнлари билан виждон поклигини сақлашга интилди.

Ўтган асрнинг 20-йиллари, Ойбеклар авлоди айни ижодий шаклланиш палласида ёш шоир Мусо Ойбек мафкура тазйиқида қораланаётган Чўлпон шоирни ёқлаб мақолалар ёзди. "Чўлпон ўқилади, русларнинг Пушкини каби Чўлпон ҳам юксак бадияти билан халққа керак" деб айта олди. Бу унинг ўзига ҳам ўзи белгилаган илк ҳукми, виждон тазйиқидаги илк исёни эди. Кейинроқ Чўлпон номини тилга олиш ҳам қатъий тақиқланганда, Ойбек буюк салафининг шеъриятига ўз шеърлари билан садоқат кўрсатиб, ўзбек адабиётида Чўлпон руҳини тирик сақлади. Рамзлар, ишоралар дунёсидаги инжа образлари, тасвири билан "соф" лириканинг гўзал намуналарини яратди. Айни чоғда "ваҳший" қояларни ёриб чиқиб, "шамол беланчагида" "нафис чайқалаётган бир туп наъматак" мисолида исён, эрк, озодлик туйғуларини улуғлаб, устозининг анъаналарини безавол давом эттирди.

Шу кезлар яна Абдулла Қодирий ижодини олимлик рутбасида таҳлил этиб, неларнидир инкор этиб, баҳслашиб, неларнидир Қодириёна бетакрор истеъдод намунаси дея тасдиқ этиб, ўз миллатдошлари онг-у тафаккурида Абдулла Қодирий номини барқарор қилишга саъй этди. Булар Ойбекнинг юрагидаги чандиқлар, жароҳатлар эди. Буюк салафлари маҳв этилиб, халқнинг қалби миллий чашмалардан бебаҳра қолаётганини теран ҳис этган адиб, энди ўзи бу ташналикни қатор халқона достонлар ва "Қутлуғ қон", "Навоий" каби соф миллий романлар билан қондирмоққа қодир бўла олди.

«Қутлуғ қон»нинг катта миқёсларини қўя туриб, кичик бир лавҳаларга эътибор қилсак-да, унинг миллий табиати намоён бўлаверади.

Адиб ўз нигоҳларини олис мозийга қаратиб, миллатнинг беш юз йиллик тарихига ёрқин нур тарата олган улуғ бобокалонимиз ҳазрат Алишер Навоий сиймосини халқ қалбида қайта тикламоқ иштиёқи билан яшади. Илмий тадқиқотлар, достон яратиб, «Асрларнинг сўкиб чокини, гоҳо ёрқин кўраман чолни», дея юрагимизга ниҳоятда яқин, самимий бир қиёфани тасаввурларимизга муҳрлади. Халқ, унутилишга маҳкум миллий ғурурни илкис қайта туйди. Ўзини, ўз буюклигини танимоқ сари одимлади. Навоий тимсолида тилини, динини, ўз қадриятларини, инсоний шаъни-шукуҳини ва пок ақидаларини ҳар қандай вазиятда ҳам асрамоқ саботқларини ўгиди. Бу-да Ойбекнинг исёни, виждон олдидаги покиза амали эди.

Иккинчи жаҳон уруши бошланиб, бир гуруҳ санъат аҳли билан улкан жангоҳларни кезган адиб, шундан ҳам миллий ғурур, миллият деган ўша сўнмас туйғуларни яна оловлантириш эҳтиёжини туйди.

Сафар халтасидаги бир парча қотган қора нонни блокнотга алмаштириб, уруш ҳақида, бу даҳшатли мухорабада ўзбекнинг эзгулик учун курашларга кирган асл ўғлонлари ҳақида «Қуёш қораймас» романининг илк саҳифаларини ёзишга киришди. Жангоҳларда ўз миллатдошларининг жасоратини кузатар экан, бу фазилатлар уларга кеча сингдирилган «ҳайбарака» сифатлар эмаслигини, матонатнинг илдизлари чуқурроқ эканини англашига туртки берди ва ижодий ниятни қалбида, виждонида чўкинди бўлиб турган ўша қувғин исён руҳи билан омухта этиш истагини уйғотди. Билҳақ, катта ният ва холис интилиш катта ечим, миқёсли қиёс-у топилмаларга йўл очар экан. Ойбек уруш ҳақидаги романининг бош қаҳрамонига Бектемир деб исм беради. Халқи хотирасида соҳибқирон Темурбекнинг руҳини уйғотмоқни шу тариқа ҳал этмакчи бўлади. Бу ҳақиқат ҳам Озод домла айтмоқчи, Ойбекнинг том маънода «Миллатни уйғотган адиб» эканига яна бир шоҳидликдир.

Албатта, бу исёнлар, гоҳ Йўлчи, гоҳ Навоий, гоҳ Бектемир ва гоҳо, ёввойи табиат мўъжизаси наъматак мисолидаги даъваткор руҳ қаттол замонанинг гумашталари нигоҳидан четда қолиши мумкин эмасди. Халқ меҳрини қозонган адибни жисмоний маҳв этишдан кўра мажруҳ этиш маъқул топилди. Ойбек ижодкор учун сўзлаш ва ёзишдек тансиқ неъматдан, тириклик тиргагидан маҳрум этилди. Уни замона қуш тилида сўзлашга маҳкум этди. Аммо буколмади, синдиролмади. У сўнгсиз сахроларда юксак парвоздаги сор мисол сассиз, аммо ўткир нигоҳлари билан «Нур қидириб» кўҳна Осиё сарҳадларини кезинди, гоҳи узоқ мозийга, гоҳи «Болалик» беғуборликларига юкинди, «Улуғ йўл»ни излади. Бу йўл бошларида гоҳи соҳибқирон Темурбекни, султони Ғозий Ҳусайн Бойқарони, Низомиддин Алишерни, озурда жон Заҳириддин Муҳаммад Бобурни кўрмоқчи бўлди. Гоҳи эса шаҳид оғалари маърифатпарвар Мунаввар қорини, Сидқий Хондайлиқию Тавалло, Абдулла Авлоний, Мирмуҳсин Шермуҳамедовларни топмоқчи бўлди.

Ҳазрат Навоий умр ниҳоясида «Лисонут тайр» атаб, «қуш тили»да ўлмас достон яратганидек, Ойбек умрининг сўнгги ўн етти йили давоми илҳом ва тафаккур ёлқинларини қуш тилида шивирлаб, Зарифахоним дасхатлари билан яна қарийб ўн жилд асарлар ёзди. Бири биридан тилсимли, маҳобатли романлар, қиссалар, тугалланган ва якунлаб улгурилмаган достонлар, фалсафий шеърлар яратди. Булар ҳам аслида унинг миллат ғамидаги заҳматлари, халқ хотирасини сақлаш йўлидаги виждон эпкинлари эди.

Ойбек ҳазрат Навоий ёшига бориб замона «ўйин»ларидан толиқди, бироз тин олди. Олтмиш йиллик ҳаёт йўлларининг — ёвузлиг-у эзгуликнинг, зулм ва адолатнинг, тубанлик ва юксакликнинг курашларида орттирган билим, тажрибаларининг, кўрган-кечирганларининг сарҳисобини қилди, барини улуғ донишмандликка етиб англади. Норасида палласи савҳи табиий билан талпингани ой ва самовот тилсимларига кексалик даври яна қайтиб, тафаккур ва қийноқ саволлар ила руҳи коинот қадар юксалди. Уларнинг барини ўзи учун ён дафтар қатларига битиладиган тўрт қатор мисраларга жо қилди.

Ҳақиқат соқовдир, заифдир инсон
Тошлар ҳам йиғлайди – сир тўла осмон
Ҳақиқий олам не? Жавоб йўқ ҳайҳот!
Файласуф тўқийди ҳисобсиз ёлғон.

Ойбек ана шу истиғфор палласида, пири комилининг ёшларидан икки-уч сана ўтиб бу дунёдан кўз юмди. Ўзидан қутлуғ ва мунаввар хотира қолдириб, миллатини уйғонмоққа, тенглар ичра тенг бўлиб, виждон ва ғурур билан яшамоққа даъват этиб, ибрат бўлиб абадиятга юз тутди. Миннатдор авлод эса буюк келажагини бунёд этиш йўлларида буюк аждодини сафларда билиб, Ойбекка муҳташам ҳайкал тиклади.

Шуҳрат РИЗАЕВ

СПОРТ

КИЗЛАРИМИЗ КЕЙИНГИ БОСКИЧДА

Филиппинда 19 ёшгача бўлган қизлар ўртасида ўтказилган футбол бўйича Осиё чемпионатининг биринчи саралаш босқичида Ўзбекистон хотин-қизлар терма жамоаси ўз гуруҳида биринчи ўринни эгаллади.

Вакилларимиз гуруҳдаги илк учрашувни Мьянма футболчиларига қарши ўтказиб, 1:0 ҳисобида ғалабага эришди.

Иккинчи учрашувда ҳам мезбон терма жамоасига қарши ўйнаган ҳамюртларимизнинг қўли баланд келди. Ҳисоб — 4:0

Шу тариқа гуруҳида биринчи ўринни эгаллаган терма жамоамиз Осиё чемпионатига чиқиш учун иккинчи саралаш мусобақасида Вьетнам, Таиланд ва Хитой Тайпейи жамоалари билан курашни давом эттиради. Мазкур учрашувлар жорий йилнинг 21-30 октябрь кунлари Малайзияда бўлиб ўтади.

АККРЕДИТАЦИЯ БОШЛАНДИ

Осиё футбол конфедерациясининг расмий сайти — www.the-afc.com да 27 сентябрдан бошлаб 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида ўтказиладиган Осиё чемпионати мусобақаси учун ОАВ ходимларини аккредитациядан ўтказиш жараёни бошланди. Хабарингиз бор, ушбу нуфузли турнир жорий йилнинг 24 октябрь — 7ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Аккредитация жараёни 2010 йилнинг 15 октябригача давом этади. Журналистлар батафсил маълумотларни www.the-afc.com сайтидан олишлари мумкин.

"ТОШКЕНТ ОПЕН – 2010" ЯКУНЛАНДИ

Республика Олимпия заҳиралари теннис мактаби кортларида ўтказилган "Тошкент опен – 2010" анъанавий халқаро теннис турнири якунланди. Хотин-қизлар теннис уюшмаси (WTA) мусобақалари тақвимидаги мазкур турнир финалида россиялик теннисчилар – Алла Кудрявцева ҳамда Елена Веснина ўзаро куч синашди. Муросасиз кечган учрашувда А.Кудрявцева рақибасидан 6:4, 6:4 ҳисобида устун келиб, бош соврин соҳибаси бўлди.



Турнирнинг жуфтликлар беллашувида россиялик Александра Панова ва беларуслик Татьяна Пучеклар рақибалари руминиялик Александра Дулгеру ва словакиялик Магдалена Рибариковани 6:3, 6:4 ҳисобида енгиб, ғалаба қозонди.

Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтиш жоиз, «Тошкент опен – 2010» халқаро теннис турнирининг тантанали ёпилишида қатнашган Хотин-қизлар теннис уюшмаси (WTA) вакиллари, мутахассислар, мураббийлар ва спортчилар бу йилги турнир юксак савияда ташкил этилганини алоҳида таъкидлади.

Азим РЎЗИЕВ тайёрлади

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

e-mail: hurriyat@doda.uz

Таҳририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси —	8-361-505-19-11	Қашқадарё —	8-375-357-75-10
Андижон —	8-374-250-90-39	Сирдарё —	8-372-366-99-21
Бухоро —	8-365-592-85-02	Сурхондарё —	8-376-370-12-01
Самарқанд —	8-366-233-62-12	Фарғона —	8-373-225-80-58
Тошкент —	8-370-383-97-53	Хоразм —	8-362-224-73-33

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Азим РЎЗИЕВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 21.00

® — тижорат белгиси.

Адади: 9087 Буюртма — Г-826 1 2 3 5